§3.1. Тадқиқот гуруҳларида 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларнинг жинси, ёши, касалликнинг давомийлиги, компенсация босқичи, тана вазни индекси, буйрақлар коптокчали филтрациясини ҳисобга олган ҳолда клинικο-демографик ва биокимёвий тавсифи

Тадқиқот ва маълумотларни таҳлил қилиш мақсадларига кўра, 3.1.1 - жадвалда тадқиқотга киритилган беморларнинг гендер хусусиятлари берилган, 3.1.2-жадвалда йўлдош касалликлар, холаталар ва асоратлар тарқалиши кўрсатилган.

3.1.1-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларнинг дермографик кўрсаткичлари

кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=50)	II гуруҳ (n=50)	III гуруҳ (n=50)	назорат (n=20), M±SD
Аёллар/эркаклар	18/32*	12/38*	12/38*	10/10

3.1.2-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларнинг орасида йулдош касалликлар тарқалиши ва давомийлиги

Йўлдош касалликлар	I гуруҳ (n=50), M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	назорат (n=20), M±SD
СБК, 1-2 босқич, n	18*/32*	-/-	18*/32*	-/-
СЮЕ, n	7*/17*	9*/17*	-/-	-/-
ГК, n	11*/17*	9*/16*	11*/36*	-/-
ДЭ 1 босқ, n	6*/11*	7*/13*	11*/27*	-/-
ЮҚТК бўйича ИБ, n	8/12*	7/16*	7/11*	2/3
Чекиш, n	2/22*	-/26*	-/27*	3/5
ИККС, n	4/6	2/7	-/-	-/-
Миокард инфаркти, n	4/6	2/3	-/-	-/-
МҚАЎБ, n	-/2	1/-	-/-	-/-
СБК давомийлиги, йил	9,2±1,7*	-	8,4±2,8*	-

СЮЕ давомийлиги, йил	8,6±1,9*	7,7±1,6*	-	-
ҚД давомийлиги, йил	16,6±3,4*	15,6±3,5*	13,7±2,6*	7,1±2,8

Изоҳ: ИБ - ирсий бузилишлар, МҚАЎБ – мияда қон айланишни ўткир бузилиши, ИККС - инфарктдан кейинги кардиосклероз, АБ - артериал гипертензия, ДЭ - дисциркулятор энцефалопатия, Р- назорат билан солиштирганда ишончлилик мезони, бу ерда - $p < 0,005$, * - $p < 0,0001$

3.1.1 ва 3.1.2-жадваллардан кўриниб турибдики, назорат гуруҳлари билан солиштирганда ўрганилаётган беморларда йўлдош касалликлар, асоратлар, 2-тур қандли диабет давомийлиги, СБК ва СЮЕ давомийлигида фарқлар ишончлилиги аниқланди ($p < 0,005$). Шу билан бирга, 1-гуруҳдаги 50 бемордан 10 нафар (20%) беморда анамнезида миокард инфаркти мавжуд эди. Худди шу гуруҳда ёмон одатлар (чекиш) тез-тез учради ва 2-тур диабетнинг давомийлиги назорат гуруҳига нисбатан устунлик қилди ($p < 0,05$).

Тадқиқотга киритилган беморларнинг клиник хусусиятларини ўргандик (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларнинг клиник хусусиятлари

Белги/кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=50), M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	Назорат (n=20), M±SD
САБ, мм. см. уст.	156,8±11,3*	158,4±12,6*	152,9±15,2*	132,4±11,7
ДАБ, мм.см.уст.	107,5±9,4*	113,8±10,2*	115,4±9,8*	94,6±8,8
ЮҚС, зарба/минутига	87,5±8,7*	93,2±7,9*	85,3±8,5*	75,9±8,9
ТВИ, кг/м ²	33,7± 7,5*	32,8 ±6,4*	34,4± 8,2*	25,6 ±6,8
БА (см)	88,6± 9,5*	87,6±7,7 *	86,3±6,9 *	80,2±7,1
СА (см)	89, 8 ± 7,9*	88, 7 ± 6,9*	87, 6 ± 7,8*	81, 5 ± 9,9
БА/СА	0,94± 0,03	0,96± 0,02	0,94± 0,03	0,97 ± 0,09

Изоҳ: АГ — артериал гипертония, ДАД — диастолик артериал босим, САД – систолик артериал босим, – p – назоратга нисбатан ишончлилик фарқи.

3.2-жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилаётган беморларда САБ, ДАБ ва ТВИ бўйича назорат билан солиштирганда фарқларнинг ишончлилиги аниқланди. ($p < 0,05$).

3.3-жадвалда Тадқиқот гуруҳларида СЮЕ билан оғриган беморнинг клиник ҳолатини баҳолаш натижалари берилган.

3.3-жадвал

СЮЕ билан оғриган беморларнинг клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи (КХБШ) (Мареев В. Ю.) томонидан ўзгартириш киритилган) [2; 197-198-б.].

Симптом/белги	Намоён бўлиши	I гуруҳ (n=50), баллар	II гуруҳ (n=50), баллар	III гуруҳ (n=50), баллар
Ҳансираш	0 – йўқ; 1 – юкламада; 2 – тинч ҳолатда ;	1,2 ±0,6	0,3 ±0,6	0,0±0,0
Охирги ҳафтада вазн ўзгардими?	0 – йўқ; 1 – ортган;	0,0 ± 0,0	0,0±0,0	0,0±0,0
Юракни тез тез уриб кетишлари мавжудми?	0 – йўқ; 1 – бор;	0,4 ± 0,06	0,3 ±0,07	0,0±0,0
Кроватда қандай ҳолатда ётган?	0 – горизонтал; 1 – ортопноэ ; 2 – бўғилиб уйғонишлар; 3 – ўтирган ҳолатда	1,2 ±0,05	0,4 ±0,03	0,0±0,0
Бўйин венасининг зўриқиши	0 – йўқ; 1 – ётган ҳолатда; 2 – турган ҳолатда	1,2 ±0,08	0,0 ±0,0	0,0±0,0
Ўпкада ҳириллашлар	0 – йўқ; 1 – пастки қисмлари ($\frac{1}{3}$) 2 – курак суягигача ($\frac{2}{3}$); 3 – бутун ўпка бўйлаб	0,9 ±0,06	0,0±0,0	0,0±0,0
Юракда “югуриш” ритминини мавжудлиги	0 – йўқ; 1 – бор	0,0 ±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0
Жигар	0 – катталашмаган; 1 -5 смгача; 2 – > 5 см	1,1 ±0,04	1,2 ±0,05	0,0±0,0
Шишлар	0 – йўқ; 1 – бироз шиш; 2 – шишлар мавжуд ; 3 – анасарка	1,2 ±0,08	1,1 ±0,03	0,0±0,0

САБ даражаси	0 – > 120 мм см. уст.; 1 – 100–120 мм см. уст. 2 – <100 мм см. уст.	1,1 ±0,03	1,2 ±0,08	1,3 ±0,2
ЖАМИ		8,3 ±0,6*	4,5 ±0,1*	1,3 ±0,2

Изоҳ: 0 балл – ЮЕ клиник белгилари мавжуд эмас. I ФК – кам ёки 3 балл; II КФ – 4 дан 6 баллгача; III КФ – 7 дан 9 баллгача; IV КФ – 9 баллдан юқори

3.3-жадвалдан кўриниб турибдики, СЮЕ баҳолаш шкаласи бўйича энг юқори балл 1-гурухдаги беморлар томонидан тўпланган - $8,3 \pm 0,6$ балл (ЮЕ-III Ф), 2-гурухдаги беморлар - $4,5 \pm 0,1$ балл (ЮЕ-II Ф) ва 3-ўринда 3-гурухдаги беморлар – $1,3 \pm 0,2$ балл. Шундай қилиб, КХБШ СЮЕ оғирлигини ва беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун қулай воситадир. Биз ушбу ўлчовдан 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишини башорат қилиш алгоритминини яратиш учун фойдаландик.

Беморларнинг биокимёвий хусусиятларини ўрганиб чиқдик (3.4-жадвал).

3.4-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг ўртача биокимёвий қон кўрсаткичлари

Кўрсаткич	I гуруҳ (n=50), M±SD	II гуруҳ(n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	назорат (n=20), M±SD
Нахорга глюкоза , ммоль/л	9,5±2,5*	7,6±0,9*	8,9±2,1*	6,2±0,7
Постпрандиал гликемия	12,8±2,5*	13,5±4,2*	14,8±3,3*	8,5±1,2
HbA1C, %	8,2±1,7*	8,1±1,1*	9,0±1,2	6,4±0,8
Умумий билирубин, мкмоль/л	21.8±6.4	23.5±3.8	25.7±4.8	21.3±6,3
АЛТ, ЕД/Л	32,9±5,3	27,4± 7,8	23,8±6,7	29,8±2,4
АСТ, ЕД/Л	24,3±8,9	19, 6 ±8,9	23, 5±8,3	25,6±13,2
Умумий холестерин, ммоль/л	6,5±1,8*	6,5±1,2*	6,3±1,5*	5,4±1,7
ЗПЛП, ммоль/л	6,16±0,78*	6,17±0,5 *	6,22±0,8*	3,14±1,2
ЗЮЛП, ммоль/л	1,20,05*	1,30,07*	1,70,05*	1,90,31
ТГ, ммоль/л	1,82±0,8	1,43±0,6	1,36±0,9	0,35±1,1

Изоҳ: HbA1C — гликирланган гемоглобин, ЗПЛП — зичлиги паст липопротеидлар, ТГ — триглицеридлар, * - назорат билан ҚД беморлар ўртасидаги фарқ ишончилиги, - битта белги – $p < 0,005$, иккита белги - $p < 0,001$, учта белги - $p < 0,0001$.

3.4-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳ беморларда дислипидемия (ЗЮЛП, КФТнинг пасайиши) фонида ($p < 0,05$), нахорги гликемия, ($p < 0,005$) овқатдан кейинги гликемия, гликирланган гемоглобин сезиларли даражада ошган. Ишимизнинг навбатдаги босқичи 2-тура қандли диабет билан оғриган беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини акс эттирувчи қон параметрларини ўрганиш эди (3.5-жадвал).

3.5-жадвал

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини тавсифловчи биокимёвий қон параметрлари

Қон кўрсаткичлари	Назорат	I гуруҳ (n=50), M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD
Креатинин (мкмоль/л)	86,7±14,2	111,2±12,9 *	86,7 ±8,2	110±11,2*
рКФТкр (мл/мин/1,73м ²)	119,8±12,7	92,6±8,8*	112,6±9,8	88,5±9,2*
Сийдик кислотаси мкмоль/л	206,8±11,4	255,5±18,3*	207,4±12,9	278,5±13,8*
Мочевина (ммоль/л)	7,6±3,4	12,8±3,3*	7,4±2,6	14,9±7,3 *
Умумий оксил (г/л)	69.7±1,8	67±1,25	68,7±1,5	71,8±1,9

Изоҳ: КФТ — коптокчали фильтрация тезлиги, * - назорат билан ҚД бемор ўртасидаги ишончлилик фарқи, - битта белги – $p < 0,005$, иккита белги - $p < 0,001$, учта белги - $p < 0,0001$.

3.5-жадвалдан кўриниб турибдики, беморларнинг 1 ва 3 гуруҳларида биз қонда креатинин, мочевино, сийдик кислотасининг сезиларли ўсишини ($p < 0,005$) ва назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан КФТнинг сезиларли даражада пасайишини аниқладик ($p < 0,005$). Беморларнинг 2 гуруҳида бу кўрсаткичлар нормал чегараларда эди.

§3.2. Тадқиқот гуруҳларида 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда эхография ва электрокардиографиянинг хусусиятлари

Ишимизнинг кейинги босқичи беморларимиздан олинган Эхо-ЭКГ маълумотларини таҳлил қилиш бўлди (3.6-жадвал).

3.6-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларда юракнинг структуравий ва функционал параметрлари кўрсаткичлари (М ± м)

Кўрсаткич	I гуруҳ (n= 50) М±SD	II гуруҳ (n=50), М±SD	III гуруҳ (n=50), М±SD	назорат (n=20)	меъёр
ЧҚ ОДЎ, см	7,8±0,7 *	6,5±0,6 *	5,8±0,4	5,4±0,4	4.6-5.7
ОСЎ, мм	23,5±3,7**	24,7±5,4**	46,3±6,9	48,8±2,2	33-68
ОДХ, мм	77,6±6,8**	75,3±9,4**	96,8±7,6	102,8±7,9	96-157
ЧҚ ОСЎ, см	1,8±0,7*	1,9±0,8*	1,1±0,2	1,2±0,3	0,95–2,05
ЧБ, см	2,4±0,6 *	2,7±0,5 *	3,7±0,2	4,4±0,2	2,3–4,5
ҚАТҚ, см	0,6±0,02	0,7±0,04	0,8±0,06	0,9±0,09	0,75 –1,1
ЎАЎБ, мм рт.ст.	37,8±8,3**	35,6±7,6**	29,4±6,6*	13,8±2,4	12-15
DT, мсек	228±14,2 ***	232±12,7 ***	65,8±8,2	68±8,6	60-70
ЧҚОДҚ, см	1,8±0,06*	1,2±0,07*	0,7±0,06	0,9±0,08	0.6-1.1
ЎҚ, мм	28,8 ± 2,1*	27,9 ± 2,7*	14,3 ± 2,5	13,3±1,9	9,5 –20
ҚХФ, %	39,7±2,6*	37,8±2,3*	43,8±5,2	56,2±3,1	59 ± 65
Е/А	0,72±0,03*	0,68±0,02*	1,4±0,05	1,2±0,7	1,5-1,7.
IVRT, м/сек	106,4±9,8*	111,8±7,6*	76,6±8,2	73,8±4,3	70-75
ЧҚММ, г	156,4±11,3*	153,5±9,6*	113,8±10,3	112,6±7,5	95-135
ЧҚММИ, г/м ²	137,8±8,2*	139,2±7,7*	117,2±9,8	118,3±6,9	109-124

Изоҳ: *Фарқлар ишончли, $p < 0,05$. , иккита белги - $p < 0,01$, учта белги - $p < 0,001$.: ОДЎ — охириги диастолик ўлчам, ОСЎ — охириги систолик ўлчам, ЎА — ўпка артерияси, ЧҚ — чап қоринча, ЧБ — чап бўлмача, и/ф — таққосланган кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончсиз, ўнг қоринча — ЎҚ, САБ — систолик артериал босим, ЧҚОДҚ — чап қоринча орқа девори қалинлиги, ҚАТҚ — қоринчалараро тўсикни қалинлиги, ҚХФ — қон ҳайдаш фракцияси, СЮЕ — сурункали юрак етишмовчилиги, ЮҚЧ — юрак қисқаришлар частотаси, DT — қон оқими тезлигининг эрта диастолик тўлиши, IVRT — чап қоринча изоводемик бўшашиш вақти, Е/А — Е/А тўлқинларининг энг юқори тезлиги нисбати, ОДХ – охириги диастолик ҳажм, ОСХ – охириги систолик ҳажм, ЧҚММ – чап қоринча миокард массаси, ЧҚММИ – ЧҚММ индекси, ЎАЎБ –ўпка артериясини ўртача босими.

3.6-жадвалдан кўришиб турибдики, 1 ва 2 гуруҳларнинг марказий гемодинамик кўрсаткичларида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқ мавжуд: ОДЎ ЧҚ, ОСХ, ОДХ, ЧҚ ОСЎ ($p < 0,05$), ўпка артериясидаги ўртача босим, эрта диастолик қон оқими тўлимини секинлашиш вақти, ЧҚОДҚ ($p < 0,001$), ҚХФ, Э/А тўлқинлари энг юқори тезлиги нисбати, ЧҚ, ЧҚММ, ЧҚММИ изоводемик бўшашиш вақти ($p < 0,05$), аммо 3-гуруҳда ЭхоЭКГ кўрсаткичлари кўп ҳолларда меъёрий чегараларда бўлди. 1-2-гуруҳдаги беморларда Эхо-ЭКГ даги ўзгаришлар ЧҚ систолик дисфункцияси турига қараб, 3-гуруҳдаги беморларда эса ўпка артериясида ўртача босимни

оширишга мойиллиги билан 1-2 даража диастолик дисфункция турига кўра аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, ЧҚ систолик дисфункцияси бизнинг беморларимизда қайд этилганидек, симптомсиз кечиши билан тавсифланади. Беморда характерли аломатлар мавжудлигини ҳам, уларнинг мавжуд эмаслигини ҳам қайд этиши мумкин. Иккинчи ҳолатда, симптомсиз дисфункция назарда тутилади.

Европа Кардиологлар Жамиятининг ишчи гуруҳи диастолик ва систолик дисфункцияни аниқлаш учун ультратовуш диагностика стандартларини ишлаб чиқди. Биринчи тур – қонни диастолик тўлимини дастлабки бузилишига тўғри келади, у ЧҚ изоволемик бшашишнинг узайиши, қонни эрта диастолик тўлими тезлигини ва ҳажмининг пасайиши ва бўлмачалар систоласи вақтида қон оқимининг кўпайиши билан тавсифланади. Яъни, трансмитрал қон оқимининг қайта тақсимланиши содир бўлади: бўлмача систоласи пайтида қоннинг кўп қисми қоринча ичига киради.

ЧҚ систолик дисфункцияси юрак мушакларининг қисқариш қобилятининг пасайиши ва аортага чиқадиган қон ҳажмининг камайиши билан тавсифланади. СЮЕ билан оғриган одамларнинг тахминан 45% бу турдаги дисфункцияга эга (бошқа ҳолларда миокард қисқарувчанлик функцияси бузилмаган). Асосий мезон - юрак ультратовуш текшируви натижаларига кўра, ЧҚ қон ҳайдаш фракциясининг 45% дан кам бўлган пасайиши (3.8-жадвал).

3.7-жадвалда ЧҚ систолик дисфункциясига хос бўлган белгилар келтирилган.

3.7-жадвал

ЧҚ систолик дисфункциясига хос белгилар, % (M ± m)

Кўрсаткич	I гуруҳ (n= 50) M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	назорат (n=20)
1.Тери рангини оқариши, кўкимтир тус олиши, совиб кетиши, оёқ-қўлларнинг шиши.	96,9±5,9 *	95,6±6,7 *	48,7±7,9*	0,0±0,0
	85,4±6,7*	92,4±7,7*	0,0±0,0	0,0±0,0
	94,0±5,9*	89,4±8,3*	0,0±0,0	0,0±0,0

2.Тез чарчаш, сабабсиз мушакларда ҳолсизлик	83,5±3,7**	84,7±5,4**	78,5±9,6*	0,0±0,0
	78,8±4,6**	81,3±5,2**	0,0±0,0	0,0±0,0
3.Бош мияда қон оқимини бузилиши руҳий-эмоционал тизимда ўзгаришларни чақиради – уйқусизлик, хотиранинг бузилиши, жиззакилик ва б.	77,6±6,8**	75,3±9,4**	28,4±5,3*	0,0±0,0
	68,0±5,9**	44,7±6,3*	33,9±8,3*	0,0±0,0
	54,8±2,8*	45,8±7,1*	22,4± 6,2*	0,0±0,0
4.Буйрак функциясининг бузилиши ва натижада қон ҳамда пешоб таҳлилида ўзгаришлар, гипертензиянинг буйрак механизмларини фаоллашиши туфайли қон босимининг ошиши, юзда шиш пайдо бўлиши.	81,8±7,7*	21,2±3,2*	83,9±4,8*	0,0±0,0
	87,3±5,5*	88,4±5,7*	76,5±4,6*	0,0±0,0
	41,8±4,3*	23,4±4,1*	73,8±3,2*	0,0±0,0

Изоҳ: *-назоратга нисбатан фарқ ишончилиги. (*p<0,05)

Бизнинг маълумотларимизга кўра, 1 ва 2-гурӯҳларда, аксарият ҳолларда ЧҚ систолик дисфункциясининг характерли белгилари пайдо бўлган. Белгиларнинг ўзига хос бўлмаганлиги сабабли, улар камроқ бўлсада, 3-гурӯҳда ҳам содир бўлган.

Кейинчалик, текширилган беморларда ЧҚ параметрларини гуруҳлар бўйича ўргандик (3.8-жадвал). Devereux R. ва Reichek (1977) ҳамда D. Dubois (1975) формуласига кўра, чап қоринча массаси, чап қоринча массаси индекси ва чап қоринча деворларининг нисбий қалинлиги ҳисобланган. Кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайди. Шунини таъкидлаш керакки, беморларнинг 1 ва 2-гурӯҳдаги барча ЧҚ параметрлари назорат гуруҳидаги маълумотлардан сезиларли даражада фарқ қилиб, 3-гурӯҳда беморларнинг аксариятида (50 нафар бемордан 36та (72%)) сезиларли ўзгаришлар аниқланмади.

3.8-жадвал

Текширилган беморларда чап қоринча кўрсаткичларини гуруҳлар бўйича тақсимланиши

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=50), M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	Назорат (n=20)
--------------	----------------------------	-----------------------------	------------------------------	-------------------

ЧҚҚХФ	32,7±2,6*	37,8±2,3*	44,8±5,2	56,2±3,1
Е чўққи	0,58±0,05*	0,59±0,02*	0,99±0,06	0,99±0,06
А чўққи	0,84±0,07*	0,80±0,06*	0,40±0,005	0,40±0,005
Е/А	0,60±0,03*	0,72±0,06*	2,48±0,17	2,48±0,17
Миокард массаси, г	414,2±12,6*	414,2±12,6*	414,2±12,6*	110±8,9
Миокард массаси индекси	65,5±4,5*	65,5±4,5*	65,5±4,5*	68,9±9,8
ОТС	0,40±0,01 *	0,40±0,01 *	0,40±0,01 *	0,43±0,02

Изоҳ: n – текширилган беморлар сони;

*-назоратга нисбатан ишончлилиқ (*p<0,05)

Кейинчалиқ, ёш, НОМА индекси, ТВИ (3.9 - 3.11-жадваллар) ни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг эхокардиографик тасвирини таҳлил қилдик. 3.9-жадвалдан кўришиб турибдики, 1-гуруҳдаги беморларда ЧҚҚХФ қийматларига қараб ёш, ТВИ, гликемия, НbА1С%, инсулин, НОМА индексининг ўртача кўрсаткичларида сезиларли фарқлар топилмади. Шу билан бирга, фақат альдостерон ва ренинда (ХФнинг барча босқичлари ўртасида) сезиларли фарқлар аниқланди, бу қийматлар диабет + СЮЕ билан оғриган беморларда ЧҚҚХФ пасайиши билан сезиларли даражада ошди. (p<0,05).

3.9-жадвал

Ёш, НОМА индекси, ТВИ ҳисобга олган ҳолда ЧҚҚХФ бўйича 1-гуруҳдаги асосий маълумотлар

Кўрсаткич	ЧҚҚХФ			Назорат n =20	p
	Сақланган (50-55%) n =16	Оралик (35-45%) n =17	Паст (25-35%) n =17		
Ёши, йиллар	64,5±1,2	59,6±3,7	63,4±2,8	56,8±6,4	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
ТВИ, кг/м ²	31,3±1,7	30,4±1,5	33,2±1,7	28,9±4,8	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
Наҳорги қонда глюкоза, ммоль/л	7,8±1,2*	9,6±1,0*	11,8±0,7*	5,3±0,4	1-2<0.05 1-3<0.05 2-3<0.05
Альдостерон, пг/мл	76,2±9,5*	101,5±7,2*	155,7±8,9*	35,6±5,4	1-2<0.05 1-3<0.05 2-3<0.05
Ренин, мкМЕ/мл	47,6±3,5*	55,6±6,4*	65,6±4,5*	27,8±6,2	1-2 >0.05 1-3<0.05 2-3>0.05

Инсулин, мкЕд/мл	31,0±4,0*	28,1± 3,4*	27,3±3,3*	18,5±4,7	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
НОМА индекси	4,3±0,3*	6,6±0,2*	6,5±0,8**	1,3±0,2	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
НбА1С%	7,2±1,7*	7,1±1,2*	7,8±1,8	5,5±0,4	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05

Изоҳ: n – текширилган беморлар сони; * p < 0,05 –назоратга нисбатан ишончлилик,
** p < 0,0001

Бундан ташқари, 3.10-жадвалдан кўришиб турибдики, беморларнинг 2 гуруҳида ЧҚқҲФ қийматларига қараб ёш, ТВИ, гликемия, НбА1С%, инсулин, НОМА индексининг ўртача кўрсаткичларида сезиларли фарқлар топилмади. Ушбу гуруҳда фақат альдостерон ва ренинда (ЧҚқҲФ барча босқичлари ўртасида) сезиларли фарқлар аниқланди ва СЮЕ билан оғриган беморларда ЧҚқҲФ камайиши билан бу қийматлар сезиларли даражада ошди.

3.10-жадвал

Ёш, НОМА индекси, ТВИ ҳисобга олинган ҳолда ЧҚқҲФ бўйича 2-гуруҳдаги асосий маълумотлар

Кўрсаткич	ЧҚқҲФ			Назорат n =20	P
	Сақланган (50-55%) n =18	Оралик (35-45%) n =12	Паст (25-35%) n =20		
Ёши, йиллар	64,2±3,1	59,7±2,7	56,3±3,4	56,8±6,4	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
ТВИ, кг/м ²	32,8±2,3	31,8±1,3	30,8±1,7	28,9±4,8	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
Наҳорги глюкоза ммоль/л	7,5±0,7*	7,3±0,9*	7,8 ±0,8*	5,3±0,4	1-2<0.05 1-3<0.05 2-3<0.05
Альдостерон, пг/мл	70,2±9,8*	88,9±7,2*	139,9±8,4*	35,6±5,4	1-2<0.05 1-3<0.05 2-3<0.05
Ренин, мкМЕ/мл	47,8±4,2*	52,3±3,1*	67,7±4,0*	27,8±6,2	1-2> 0.05 1-3<0.05 2-3>0.05
Инсулин, мкЕд/мл	28,6±3,2*	24,2±3,8*	21,2±2,8*	18,5±4,7	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05

НОМА индекси	8,7±0,8*	7,8±0,9*	7,1±0,7*	1,3±0,2	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
НбА1С%	7,8±1,2*	8,3±1,6*	9,2±1,2*	5,5±0,4	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05

Изоҳ: n – текширилган беморлар сони, * p < 0,05 –назоратга нисбатан фарқлар ишончилиги, ** p < 0,0001

3.11-жадвалда 2-тур қандли диабет билан оғриган, 1-2 босқичдаги СБК мавжуд бўлган, аммо СЮЕ бўлмаган беморлар гуруҳидаги маълумотларнинг таҳлилини тақдим этдик. 3.11-жадвалдан кўриниб турибдики, ЧҚкХФ қийматларига қараб ёш, ТВИ, гликемия, НбА1С%, инсулин, НОМА индексининг ўртача кўрсаткичларида сезиларли фарқлар топилмади. Ушбу гуруҳда фақат альдостерон микдорида (ЧҚкХФнинг барча босқичлари ўртасида), ренин микдорида (ЧҚкХФнинг барча босқичлари ўртасида) сезиларли фарқлар аниқланди ва СЮЕ билан оғриган беморларда ЧҚкХФ пасайиши билан бу қийматлар сезиларли даражада ошди.

3.11-жадвал

Ёш, НОМА индекси, ТВИ ҳисобга олинган ҳолда ЧҚкХФ бўйича 3-гуруҳдаги асосий маълумотлар

Кўрсаткичлар	ЧҚкХФ			Назорат n =20	P
	Сақланган (50-55%) n =36	Оралик (35-45%) n =9	Паст (25-35%) n =6		
Ёши, йиллар	62,2±2,1	58,4±1,7	59,3±2,4	56,8±6,4	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
ТВИ, кг/м ²	31,7±5,4	32,8±4,1	33,6±2,4	28,9±4,8	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
Наҳорга қондаги глюкоза, ммоль/л	7,1±0,7*	6,9±0,6*	8,5±0,6*	5,3±0,4	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
Альдостерон, пг/мл	56,3±7,8**	78,6±5,2*	117,2±7,4**	35,6±5,4	1-2<0.05 1-3<0.05 2-3<0.05
Ренин, мкМЕ/мл	48,5±5,3*	53,3±6,1*	59,7±5,2*	27,8±6,2	1-2> 0.05 1-3<0.05 2-3>0.05
Инсулин, мкЕд/мл	30,5±3,9*	35,7±4,1*	34,3±5,0*	18,5±4,7	1-2>0.05 1-3>0.05

					2-3 >0,05
НОМА индекси	6,6±0,2*	5,2±0,8*	7,8±0,2*	1,3±0,2	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05
НьА1С%	8,3±0,7*	8,8±0,7*	9,1±0,6*	5,5±0,4	1-2>0.05 1-3>0.05 2-3 >0,05

Изох: n – текширилган беморлар сони; * p < 0,05 – назоратга нисбатан ишончлилик фарқи ** p < 0,0001

Шундай қилиб, тадқиқотлар таҳлили Эхо-ЭКГда бир қатор органик ўзгаришларни 1 (68%), 2 (64%) ва 3-гурӯҳдаги бир қатор беморларда - 14 нафар (28%) аниқлади. Шунини таъкидлаш керакки, альдостерон ва ренин даражаси барча кузатилган гурӯҳларда назорат гурӯҳидаги қийматлардан сезиларли даражада юқори эди (p<0,001). Бундан ташқари, қондаги альдостерон даражаси 1-гурӯҳдаги беморларда 2 ва 3-гурӯҳларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган, бу 1-2-босқич СБК ва СЮЕ мавжуд бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда РААТнинг кўпроқ бузилишини кўрсатади.

Биз 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда қонда альдостерон ва рениннинг кўпайиш даражаси градацияларини таклиф қилдик. Сақланган ЧҚқҲФ билан 65 дан 75 пг / мл / 46-50 мкМЕ / мл гача бўлган енгил ўсиш даражаси, оралиқ ЧҚқҲФ учун 76 дан 120 пг/мл / 51-55 мкМЕ / мл гача бўлган ўртача ўсиш даражаси ҳамда 120 пг/мл дан ортиқ, 55 мМЕ / мл дан ортиқ - паст ЧҚқҲФ билан кузатилган альдостероннинг юқори даражаси.

§3.3. 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда 4-тур кардиоренал синдромда буйрак перфузияси индекси ва юракнинг систолик функцияси ўртасидаги боғлиқлик

Шунини таъкидлаш лозимки, буйрак перфузиясини ноинвазив Допплер ёрдамида баҳолашга уринишларнинг аксарияти, буйрак резистив индексини (РИ) ўлчашга асосланган [147; 158-73-б.]. Буйрак РИ юрак-қон томир касалликларида қон томир аъзолар шикастланишининг тан олинган белгиси

бўлсада, кўп ҳолларда унинг қиймати орган перфузиясига мос келмайди [79; 395-402-б.]. Аксинча, динамик тўқималар перфузиясини ўлчаш (DTPM) усули буйрак перфузияси миқдорини ақс эттиради ва синов соҳасидаги барча қон оқимини ўз ичига олади.

2018 йилда чоп этилган кўп мамлакатлар тадқиқотига кўра, СБК сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини кучайтириши мумкин, бу эса 4-тур КРС (T4CRS) ривожланишига олиб келади. ЮЕ нинг оғирлиги ва давом этиши T4CRS да ўлим хавфи билан чамбарчас боғлиқ. СБК, шунингдек, буйрак саркопениясига олиб келадиган катаболик ҳолат бўлиб, у скелет мушаклари кучини ва жисмоний функциясини йўқотиш билан тавсифланади [26; 208-216-б.].

Буйрак артерияларининг нормал спектри юрак цикли давомида антеград диастолик оқим билан аниқ систолик чўққига эга. Катталарда асосий буйрак артериясида нормал PSV 100 ± 20 см/сек, EDV 25-50 см/сек. Сегментар артерияларда PSV 30 см/сек, бўлаклараро артерияларда PSV 25 см/сек, ёйсимон артерияларда 15 см/сек ва бўлакчалараро артерияларда 10 см/сек гача тушади. Буйрак дарвозасидаги РИ $< 0,8$; интраренал артерияларда РИ 0,34-0,74.

Бизнинг асосий гуруҳдаги беморларда буйракларни доплерографиясидаги ўзгаришлар 3.12-жадвалда кўрсатилган.

3.12-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларда буйраклар доплерографияси параметрларининг кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Кўрсаткич	I гуруҳ (n=50) M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	назорат (n=20)	Меъёрида	p
Ўнг буйрак артериясида қон оқимининг энг чўққи систолик тезлиги (PSV), см/сек	67,3±11,2	68,8±10,5	69,8±8,6	95,2±12	100±20	1-4<0.05 2-4<0.05 3-4<0,05

Ўнг буйрак артериясида қон оқим охириги диастолик (EDV) тезлиги, см/сек	14,2±1,4	16,8±2,4	17,2±1,6	33,2±7,4	25-50	1-4<0.05 2-4<0.05 3-4<0,05
Буйрак дарвозаси резистив индекси (РИ)	3,2±0,3	3,6±0,7	3,4±0,6	0,5±0,09	<0,8	1-4<0.05 2-4<0.05 3-4<0,05
Буйрак ичи артерияларининг резистив индекси (РИ)	1,6±0,7	1,5±0,3	1,8±0,5	0,6±0,03	0,34-0,74.	1-4<0.05 2-4<0.05 3-4<0,05
Тезланиш вақти (АТ), м/сек	77,2±8,4	74,5±7,6	78,5±9,7	42±12,2	46-55	1-4<0.05 2-4<0.05 3-4<0,05
Тезланиш индекси (PSV/АТ).	1,8±0,7	1,6±0,4	1,5±0,3	0,7±0,06	0,3–0.8	1-4<0.05 2-4<0.05 3-4<0,05

Изоҳ: n – текширилган беморлар сони; p – назоратга нисбатан ишончлилик фарқи.

3.12-жадвалдан кўришиб турибдики, асосий гуруҳнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилди ($p < 0,05$). Ушбу гуруҳда ўнг буйрак артериясида энг юқори систолик ва охириги диастолик қон оқими тезлигининг пасайиши ва буйрак дарвозаси ҳамда интратенал артерияларда РИ нинг ортиши аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг маълумотларимиз буйрак перфузияси индекси буйрак функциясига қараганда юракда қон ҳайдалиши билан чамбарчас боғлиқлиги ва сурункали КРС нинг дастлабки босқичини аниқлашда фойдали бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фаразни тасдиқлади [79; 395-402-б.].

3.13-жадвалда беморлар гуруҳларида кунлик ЭКГ мониторинги ва юкламали тестлар бўйича маълумотлар келтирилган.

3.13-жадвал

Беморлар гуруҳларида кунлик ЭКГ мониторинги ва юкламали тестидан олинган маълумотлар

Кўрсаткич	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
-----------	---------	----------	-----------

	n= 50	n= 50	n= 50
1. СМИЭД <30 мин, n 30 мин < СМИЭД <60 мин, n СМИЭД > 60 мин, n	18/36,0% 18/36,0% 8/47%*	15/30,0% 17/34% 7/14%*	- - -
2. МОИ мавжудлиги; n	31/62%*	29/58%*	-
3. МИОҚ сони	2,3±0,5	2,5±0,7	-
4. МОИ сони	2,6±0,9*	2,7±0,8*	-
5. Давомийлиги, мин - барча қисмларнинг - МИОҚ - МОИ	44,7±8,5* 16,6±1,8 33,2±7,7*	45,2±7,2* 14,6±6,7 33,3±5,6*	-
6. депрессия даражаси ST, мм - ўргача - юқори	1,53±0,4 2,4±0,2*	1,44±0,4 2,8±0,9*	- -
7. Ўргача ЮҚЧ ЧСС, зарба/мин - дастлаб МИОҚ - дастлаб МИОҚ	117±21,3 97±1,9	115,4± 12,9 92±1,2	77±2,9 -
8. Бажарилган иш ҳажми, Вт	400±20*	400±20*	-
9. ИМ, шартли/ ед.	186,5±12,5*	238±3,3	-
10. Чегара кучи, Вт	66,5±2,3*	83,3±2,8	-
11. Юкланиш вақти, мин	6,5±0,7*	8,6±0,5	-
12. ST тишчасини депрессиялари сони	6,7±0,8*	8,2±0,9	-

Изоҳ: СМИЭД – сутка давомиди миокард ишемияси эпизодларининг давомийлиги; МОИ – миокарднинг оғриқсиз ишемияси; МИОҚ – миокард ишемиясининг оғриқли қисмлари, ИМ – иккитомонлама маҳсулот; фарқлар ишончилиги: * – pI-II<0,05.

3.13-жадвалдан кўриниб турибдики, 1 ва 2-гурухдаги беморларда суткалик мониторингда ўзгаришлар юз берди. Шундай қилиб, ҳар иккала гуруҳда ҳам тахисистолия, субмаксимал юрак қисқаришлари частотасига эриша олмаслик, шунингдек, ритм бузилиши мавжуд эди.

Юрак-буйрак шикастланишининг йўналишини аниқлашда РИ диагностик қийматини баҳолаш учун кўрсаткичлар таҳлили билан биокимёвий тадқиқот кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик, юрак ва буйрақларнинг доплерографияси ўтказилди (3.14-жадвал). РИ нинг оптимал

корреляцияси 0,67 ни ташкил этди ва РИ <0,67 41,7% сезувчанлик ва 82,5% ўзига хослик билан сурункали кардиоренал синдромли беморларни аниқлаш имконини берди.

3.14-жадвалдан кўришиб турибдики, РИ ва бир қатор лаборатория ҳамда инструментал кўрсаткичлар ўртасидаги муҳим корреляциялар аниқланган. Беморларнинг иккала гуруҳида ҳам РИ ва очлик гликемияси, гликирланган гемоглобин ва доплерография индекслари даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди, бу СБК ривожланишида ушбу кўрсаткичнинг юқори прогностик қийматини тасдиқлайди.

3.14-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида РИ қийматларининг лаборатория ва инструментал кўрсаткичлар билан боғлиқлиги (Р).

КФТ мл/мин/1.73 м2	Наҳорги Гликемия Ммоль/л	НьА1С %	ЧҚқҲФ%	ЎАЎБ, мм.сим.уст.	ЎБАҚОТ, см/сек	ЎБАЭЮСТ, см/сек
1 гуруҳ	0,65	0,71	0,67	0,68	0,68	0,72
2 гуруҳ	0,67	0,72	0,68	0,65	0,71	0,75
3 гуруҳ	0,69	0,65	0,43	0,35	0,66	0,69

Изоҳ: ЧҚқҲФ – чап қоринча қонни ҳайдаш фракцияси, ЎАЎБ – ўпка артериясида ўртача босим, ЎБАҚОТ – ўнг буйрак артериясида қон оқими тезлиги, ЎБАЭЮСТ – ўнг буйрак артериясида энг юқори систолик тезлик.

Шундай қилиб, юрак ва буйрақларнинг доплерографиясидан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, биз СБК мавжуд бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда систолик юрак функциясини РИ га таъсирини илк маротаба ҳавола этдик. Бу буйрақларнинг ультратовуш текшируви пайтида юрак тузилмаларини юқори сифатли ультратовуш текшируви мумкин бўлмаганда (техниканинг етишмаслиги, ўпка амфиземаси, семизлик) юрак систолик патологиясини ноинвазив эрта аниқлаш имконини беради. Ниҳоят, РИни баҳолаш юракда қон ҳайдалишнинг пасайиши билан боғлиқ КРС ни эрта аниқлаш учун фойдали бўлиши мумкин [16; 342-347-б.]. Шу билан бирга,

кардиоренал ўқнинг эрта нуқсонларини ташхислаш учун РИ нинг кўлланилиши кўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Биз кўрдикки, ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ишончли эди. Буларнинг барчаси РИ дан 2-турдаги қандли диабетда СБК натижаларини башорат қилиш учун мустақил маркер сифатида фойдаланиш имкониятини таъкидлайди.

ЮЕнинг энг кенг тарқалган сабаби ЧҚ систолик дисфункциясидир. ЧҚ систолик функциясига таъсир қиладиган ёки унинг массасининг ошишига олиб келадиган ҳар қандай патологик жараён ЧҚ диастолик функциясини ҳам ўзгартириши мумкин. Димланиш мавжуд бўлган юрак етишмовчилиги белгилари бўлган ҳар учинчи беморда миокард қисқариши бузилмайди ва юрак белгилари ривожланишининг сабаби чап қоринчани қон билан таъминланиши бузилишида, яъни унинг диастолик дисфункциясида ётади. ЧҚ диастолик қон тўлимидаги ўзгаришлар кўпчилик юрак касалликларида ЧҚ систолик функциясининг бузилишидан олдинроқ пайдо бўлади [16; 342-347-б.].

Юқоридаги барча маълумотлар 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ни ўз вақтида ташхислаш, уларнинг ривожланишини олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва диабетнинг ушбу асоратини ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни узоқ муддатли мониторингини ташкил этиш зарурлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, биз беморларнинг 1 ва 2-гуруҳларида Эхо-ЭКГда бир қатор органик ўзгаришларни аниқладик, бу ЧҚ систолик дисфункцияси мавжудлигини ишончли тасдиқлади. СЮЕ мавжуд бўлмаган, 1-2 босқичдаги СБК бўлан 2-тур ҚД билан оғриган беморлар гуруҳида биз ўпка артериясида ўртача босимни ошириш тенденцияси билан 1-2 даражали ЧҚ диастолик дисфункцияси типидagi Эхо-ЭКГ ўзгаришларини аниқладик. РИ 2-тур қандли диабетда СБК натижаларини башорат қилиш учун мустақил маркер сифатида ишлатилиши мумкин.

**IV БОБ. СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ 1-2
БОСҚИЧИДАГИ ВА ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН 2 ТУР
ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
АНГИОТЕНЗИН II РЕЦЕПТОРЛАРИ АНТАГОНИСТЛАРИНИ
НЕПРИЛИЗИН ИНГИБИТОРИ (САКУБИТРИЛ/ВАЛСАРТАН)
ХАМДА ФЕНОФИБРАТНИНГ КАРДИО ВА НЕФРОПРОТЕКТИВ
ТАЪСИРИНИ БАХОЛАШ**

**§4.1. Ангиотензин II ҳамда неприлизин рецепторлари антагонистлари
(Сакубитрил/Валсартан) ва фенофибрат билан биргаликда даволашни
буйрак шикастланишининг биокимёвий кўрсаткичлари динамикасига
таъсирининг хусусиятлари ҳамда буйрак шикастланишининг
прекlinik босқичида инсулин терапияси қўшилганда марказий
гемодинамиканинг ҳолати**

АТ-II рецептори антагонистлари РААТни тўлиқ блоклаш ва шу билан АЎФ ингибиторларини қўллашда кузатилган ножўя таъсирларни камайтирадиган воситалар сифатида ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда АТ-II рецепторлари антагонистлари АЎФ ингибиторларини қўлаб бўлмайдиган беморларда монотерапия сифатида ёки бошқа антигипертензив дорилар билан биргаликда қўлланилади [53; 326-335-б.].

Ренин-ангиотензин-альдостерон ва симпатик асаб тизими каби нейрогуморал жараёнлар фаоллигини пасайтириш ЮЕни тушуниш ва даволашда марказий ролни ўйнайди. Натрийуретик (ва бошқа вазоактив) пептидларни парчалайдиган неприлизин ферментини ингибирлаш орқали натрийуретик тизимни модуляция қилиш ЮЕни даволашда муваффақиятли бўлди. Шундай қилиб, неприлизин ингибитори (ARNI) ACEI билан биргаликда юрак етишмовчилигида (PARADIGM-HF) касалланиш ва глобал ўлимга таъсирини аниқлаш мақсадида истиқболли таққосланганда шуни кўрсатдики, сакубитрил/вальсартан ингибитори бўлган неприлизин ангиотензин рецепторлари блокатори касалланиш ва ўлимни яхшилаш мумкин [141].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотимизни кейинги босқичининг мақсади ўрганилаётган беморлар гуруҳида буйрак шикастланишининг прекlinik босқичида ангиотензин II ва неприлизин рецепторлари антагонистлари (Сакубитрил/валсартан) билан фенофибрат билан биргаликда терапия самарадорлигини қиёсий баҳолаш бўлди. 4.1-жадвалда тадқиқот гуруҳларида юқоридаги дорилар билан даволанишдан кейин 3 ва 6 ой ўтгач, беморнинг шикаятлари динамикаси келтирилган.

4.1-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида даволанишдан 3 ва 6 ой ўтгач беморларнинг шикаятлари динамикаси, % (M ± m)

Кўрсаткич	I гуруҳ (n= 50) M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	назорат (n=20)
1.Тери қопламларининг оқариши, кўкимтир тусга кириши ва совиб кетиши, оёқ-қўлларнинг шиши.	<u>56,3±5,1 *</u> 37,2±3,2 *	<u>53,6±7,5 *</u> 25,4±8,3*	<u>11,2±2,4*</u> 4,8±1,2*	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
	<u>67,2±8,2*</u> 43,5±7,5*	<u>33,2±8,2**</u> 11,3±3,4**	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
	<u>45,3±9,2**</u> 17,3±5,8**	<u>28,3±6,5*</u> 9,2±1,3*	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
2.Тез чарчаш, сабабсиз мушаклар ҳолсизлиги	<u>68,7±5,3*</u> 35,8±9,1*	<u>32,4±7,3**</u> 12,2±3,4*	<u>34,2±8,9*</u> 12,3±4,3*	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
	<u>56,8±4,9*</u> 39,3±7,1*	<u>27,5±5,4**</u> 10,2±2,3*	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
3Уйқусизлик, жиззакилик, хотиранинг бузилиши ва б.	<u>53,8±8,2*</u> 29,8±5,2*	<u>23,7±5,3**</u> 8,6±1,6*	<u>28,4±5,3*</u> 11,7±3,5*	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
	<u>42,9±6,1*</u> 27,8±4,8*	<u>24,8±5,8*</u> 11,7±3,5*	<u>33,9±8,3*</u> 11,7±3,5*	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
	<u>36,7±3,6*</u> 22,8±4,2*	<u>17,8±3,5*</u> 9,4±1,1*	<u>22,4± 6,2*</u> 11,7±3,5*	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
4Артериал босимни ортиши, юзда шишлар.	<u>23,5±3,2**</u> 7,4±1,3**	<u>21,2±3,2*</u> 8,3±1,7*	<u>83,9±4,8*</u> 76,5±4,6*	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0
	<u>32,8±4,3**</u> 15,5±3,6**	<u>26,8±4,8*</u> 7,4±1,2*	<u>21,2±3,2*</u> 88,4±5,7	<u>0,0±0,0</u> 0,0±0,0

Изох: Ифодани суратида бир ойдан кейин беморлар % ни, махражида - 6 ойдан кейингисини кўрсатади. -назоратга нисбатан сезиларли фарқларнинг мавжудлиги (p<0,05, **p<0,001

4.1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Сакубитрил/Валсартан) +Фенофибрат билан 3 ва 6 ойлик даволанишдан сўнг

барча гуруҳлардаги беморларда сезиларли фарқлар кузатилди. Шу билан бирга, 1-гуруҳдаги беморларда шикоятлар динамикаси камайган, 2 ва 3-гуруҳларда эса соғайган беморларнинг фоизи сезиларли даражада устунлик килди ($p < 0,005$). Тадқиқот гуруҳларида СЮЕ билан оғриган беморнинг клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи натижалари 4.2-жадвалда 3 ва 6 ойлик даволанишдан кейинги даволаш динамикасида кўрсатилган.

4.2-жадвал

СЮЕ ни даволаш динамикасида беморлар клиник ҳолатини баҳолаш учун шкала (КХБШ) (Мареев В. Ю. томонидан ўзгартирилган) [2; 197-198-б.].

Симптом/белги	I гуруҳ (n=50), баллы	II гуруҳ (n=50), баллы	III гуруҳ (n=50), баллы
Ҳансираш	$1,7 \pm 0,4^*$ $0,6 \pm 0,04^*$	$2,4 \pm 0,8$ $1,3 \pm 0,7^*$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
Вазни охирги ҳафта ичида ўзгарди	$0,8 \pm 0,09$ $1,0 \pm 0,04^*$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
Юрак фаолиятида юрак уришини бузилиши	$1,2 \pm 0,09$ $0,7 \pm 0,02^*$	$1,1 \pm 0,6$ $0,5 \pm 0,04^*$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
Кроватда қандай ҳолатда ухлайди.	$1,1 \pm 0,05$ $0,6 \pm 0,07^*$	$0,9 \pm 0,01$ $0,7 \pm 0,03^*$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
Бўйин веналарининг шиши	$1,2 \pm 0,05$ $0,9 \pm 0,04^*$	$1,3 \pm 0,09$ $0,7 \pm 0,01^{**}$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
Ўпакда хириллашлар	$1,7 \pm 0,3$ $0,3 \pm 0,07^*$	$1,2 \pm 0,8$ $0,5 \pm 0,06^*$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
Юрак ритмини бузилиши	$1,1 \pm 0,2^*$ $0,5 \pm 0,08^*$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
Жигар – ўнг томони ўлчамини ортиши	$1,2 \pm 0,09^*$ $0,7 \pm 0,09^*$	$1,2 \pm 0,3$ $0,4 \pm 0,01^*$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
Шишлар	$1,3 \pm 0,9$ $0,8 \pm 0,06^*$	$1,3 \pm 0,6$ $0,6 \pm 0,07^*$	$0,0 \pm 0,0$ $0,0 \pm 0,0$
САБ даражаси	$1,4 \pm 0,3^*$ $1,2 \pm 0,9^*$	$1,2 \pm 0,8$ $0,7 \pm 0,03^*$	$1,0 \pm 0,8$ $0,9 \pm 0,01$
Жами	$12,7 \pm 0,8^*$ $7,3 \pm 0,5^*$	$10,6 \pm 2,1^*$ $6,3 \pm 0,7$	$1,0 \pm 0,8$ $0,9 \pm 0,01$

Изоҳ: 0 балл – ЮЕ клиник белилари йўқ. I ФК – кам ёки 3 балл; II ФК – 4 дан 6 баллгача; III ФК – 7 дан 9 баллгача; IV ФК – 9 баллдан юқори, ифодани суратида беморларни 1 ойдан кейин ўртача баллари, махражида 6 ойдан кейин ўртача баллари келтирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, 1 ва 2-гуруҳларда КХБШ шкаласи бўйича маълумотларнинг динамикаси 6 ойлик даволанишдан кейин ишончли бўлганлиги аниқланди. Бироқ, 3 ойдан сўнг симптомлар оғирлигининг пасайиши тенденцияси кузатилди (балларда). Шундай қилиб, нафас

кисилиши, вазнининг ўзгарувчанлиги, юракдаги тартибсизликлар, бўйин томирларининг шишиши, ўпкада хириллаш, юрак ритмининг мавжудлиги, гепатомегалия, оёқ-қўлларда шиш, олигурия ва бошқа шикоятлар интенсивлиги камайди. (4.2-жадвал). 1-гурухда 3 ойдан кейин умумий балл $12,7 \pm 0,6$ ойдан кейин - $7,3 \pm 0,5$ балл ($p < 0,05$), 2-гурухда 3 ойдан кейин - $10,6 \pm 2,1$ ва олти ойдан кейин $6,3 \pm 0,7$ балл ($p < 0,05$)га етди.

Кейинчалик, биз 3 ва 6 ойлик терапиядан сўнг биокимёвий тадқиқот кўрсаткичларининг динамикасини ўргандик (4.3-жадвал). 3 ойдан кейин биокимёвий қон параметрлари даражасининг ўзгариши сезиларли даражада ошди: барча гуруҳларда қондаги умумий оксилнинг ўртача қийматлари даволаш ва назоратдан олдинги қийматларга нисбатан ортган. Липид спектрининг кўрсаткичлари бўйича умумий холестерин, ЗПЛП, ЗЮЛП, ТГ қийматлари барча гуруҳларда нормаллашди; 3 ойдан кейин барча гуруҳларда ижобий ўзгаришга мойилик ($p > 0,05$) ва 6 ойлик даволанишдан кейин эса кўрсаткичлар аҳамиятли ўзгарди ($p < 0,05$).

Натижаларда эътиборли томони бу курсаткичлар ижобийлашиши даврида НbA1C аҳамиятли ўзгарамади, яъни бу кўрсаткичлар ўзгариши гликемияга боғлиқ бўлмаган.

4.3-жадвал

Даволанишдан 3 ва 6 ой ўтгач тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг ўртача биокимёвий қон параметрларининг динамикаси

Кўрсаткич	I гуруҳ (n=50), M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	назорат (n=20), M±SD
Наҳорги глюкоза, ммоль/л	$\frac{7,3 \pm 1,2}{6,8 \pm 1,6^*}$	$\frac{6,8 \pm 1,6}{6,3 \pm 1,4^*}$	$\frac{7,3 \pm 1,8}{6,1 \pm 2,3^*}$	$6,2 \pm 0,7$
Овқатдан кейинги гликемия	$\frac{10,2 \pm 2,7}{9,3 \pm 2,5^*}$	$\frac{10,7 \pm 3,6}{7,9 \pm 2,8^*}$	$\frac{10,5 \pm 3,3^*}{8,4 \pm 2,2^*}$	$8,5 \pm 1,2$
НbA1C, %	$\frac{8,2 \pm 1,7}{7,2 \pm 1,2}$	$\frac{7,4 \pm 1,6}{6,8 \pm 4,5}$	$\frac{7,5 \pm 1,4}{6,7 \pm 2,3}$	$6,5 \pm 0,9$
Умумий билирубин, мкмоль/л	$\frac{20,4 \pm 5,7}{19,7 \pm 3,5}$	$\frac{21,6 \pm 4,2}{22,3 \pm 3,8}$	$\frac{24,3 \pm 5,6}{23,7 \pm 3,8}$	$22,5 \pm 7,1$
АЛТ, ЕД/Л	$\frac{29,7 \pm 4,8}{28,3 \pm 3,5}$	$\frac{27,6 \pm 3,7}{29,4 \pm 3,8}$	$\frac{21,7 \pm 8,4}{22,4 \pm 2,8}$	$29,8 \pm 2,4$
АСТ, ЕД/Л	$\frac{23,1 \pm 3,2}{21,5 \pm 3,4}$	$\frac{22,3 \pm 3,8}{21,6 \pm 3,7}$	$\frac{22,7 \pm 7,2}{21,5 \pm 3,5}$	$25,6 \pm 13,2$

Умумий холестерин, ммоль/л	$\frac{6,2 \pm 1,4}{5,6 \pm 1,8^*}$	$\frac{6,0 \pm 1,8}{5,8 \pm 1,7^*}$	$\frac{5,9 \pm 1,7}{5,5 \pm 1,5^*}$	5,4±1,7
ЗПЛП, ммоль/л	$\frac{4,3 \pm 1,1}{3,4 \pm 1,6^*}$	$\frac{4,85 \pm 2,8^*}{3,7 \pm 2,6^*}$	$\frac{4,23 \pm 1,2^*}{3,42 \pm 2,3^*}$	3,14±1,2
ЗЮЛП, ммоль/л	$\frac{1,60,9}{1,8 \pm 0,6}$	$\frac{1,70,06^*}{1,8 \pm 1,8}$	$\frac{1,80,8^*}{1,8 \pm 0,5}$	1,90,31
ТГ, ммоль/л	$\frac{0,9 \pm 0,05^*}{0,4 \pm 0,03^*}$	$\frac{1,0 \pm 0,3}{0,4 \pm 0,007^*}$	$\frac{0,87 \pm 0,04^*}{0,41 \pm 0,09^*}$	0,35±1,1
Креатинин (мкмоль/л)	$\frac{97,3 \pm 8,4^*}{88,5 \pm 9,6^*}$	$\frac{83,3 \pm 5,4}{84,4 \pm 3,6}$	$\frac{95,2 \pm 8,4^*}{87,4 \pm 6,6^*}$	85,6±13,2
КФТ (мл/мин/1,73м ²)	$\frac{98,6 \pm 11,2^*}{105,3 \pm 8,6^*}$	$\frac{117,8 \pm 9,3}{118,6 \pm 4,5}$	$\frac{93,6 \pm 8,4}{94,7 \pm 6,8}$	119,8±12,7
Сийдик кислотаси мкмоль/л	$\frac{214,8 \pm 12,9^*}{209,7 \pm 8,6}$	$\frac{205,3 \pm 8,9}{204,4 \pm 7,3}$	$\frac{223,6 \pm 9,3^*}{210,7 \pm 7,3^*}$	206,8±11,4
Мочевина (ммоль/л)	$\frac{10,3 \pm 4,5}{8,4 \pm 1,8}$	$\frac{7,5 \pm 1,8}{7,4 \pm 1,9}$	$\frac{11,3 \pm 2,5^*}{9,6 \pm 1,8^*}$	7,6±3,4
Умумий оксил (г/л)	$\frac{71,8 \pm 1,55^*}{79,4 \pm 2,6^*}$	$\frac{75,3 \pm 1,7^*}{78,3 \pm 2,1^*}$	$\frac{78,7 \pm 2,3^*}{79,4 \pm 2,4^*}$	89,8±1,9

Изоҳ: ифоданинг суратида д/к 3 ой ўтгач қон кўрсаткичларининг ўргача қиймати, махражида д/к 6 ой ўтгач қон кўрсаткичларининг ўргача қиймати келтирилган, *-назоратга нисбатан фарқларнинг ишончилиги (*p<0,05, ** p<0,001).

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи инсулин терапияси фонидида 3 ва 6 ойлик Сакубитрил/Валсартан + фенобифрат терапиясидан сўнг марказий ва буйрак гемодинамикаси кўрсаткичларини динамикасини ўрганиш эди (4.4-жадвал, 4.5.). 4.4-жадвалдан кўриниб турибдики, 3 ва 6 ойлик даволанишдан кейин 1 ва 2-гуруҳларнинг марказий гемодинамик кўрсаткичларида қуйидаги параметрларнинг даволашдан олдинги қийматлари билан солиштирганда ишончли фарқ аниқланди: ЧҚ ОХЎ, ОСХ, ОДХ, ЧҚ ОСЎ (p <0,05), ЎАЎҚ, эрта диастолик тўлимида қон оқимининг секинлашуви вақти, ЧҚОДҚ (p <0,001), ҚХФ, Э/А тўлқинларининг энг юқори тезлиги нисбати, ЧҚ, ЧҚММ, ЧҚММИ изоводемик бўшашиш вақти p<0,05), 3-гуруҳдаги барча ЭхоКГ кўрсаткичлари нормал чегараларда эди, аммо меъёрлашувдан олдин ЎАЎҚ қийматларидаги ижобий ўзгаришлар бундан мустасно (p<0,05) ўзгаришсиз қолди. Шунини таъкидлаш керакки, 1-гуруҳдаги беморлардаги ўзгаришлар 2 ва 3-гуруҳларга нисбатан энг кам аниқланган.

4.4-жадвал

**Тадқиқотга киритилган беморларда 3 ва 6 ойдан кейин даволаш
динамикасида юракнинг структуравий ва функционал параметрлари
кўрсаткичлари (M ± m)**

Кўрсаткич	I гуруҳ (n= 50) M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	назорат (n=20)	Норма
ЧҚОДЎ , см	<u>7,3±0,4</u> 7,0±0,3	<u>6,2±0,6</u> 5,5±0,5	<u>5,8±0,7</u> 5,5±0,5	5,4±0,4	4.6-5.7
ОСХ , мл	<u>35,6±6,9*</u> 42,3±5,6*	<u>35,3±8,5*</u> 41,2±8,3	<u>47,8±5,4</u> 48,6±4,9	48,8±2,2	33-68
ОДХ , мл	<u>82,5±5,6</u> 86,2±7,6*	<u>86,6±8,4*</u> 107,0±12,3	<u>98,6±4,8</u> 101,0±6,3	102,8±7,9	96-157
ЧҚ ОСЎ , см	<u>1,6±0,3</u> 1,4±0,6	<u>1,4±0,6</u> 1,2±0,5*	<u>1,4±0,8</u> 1,6±0,3	1,2±0,3	0,95 – 2,05
ЧБ, см	<u>2,6±0,8</u> 2,9±0,5	<u>3,1±0,6</u> 3,9±0,5	<u>3,9±0,3</u> 4,0±0,4	4,4±0,2	2,3–4,5
ҚАТҚ, см	<u>0,6±0,06</u> 0,7±0,12	<u>0,7±0,03</u> 0,8±0,09	<u>0,8±0,05</u> 1,0±0,03	0,9±0,09	0, 75 – 1,1
ЎАЎБ, мм рт.ст.	<u>25,6±5,3*</u> 21,0±0,7*	<u>27,5±5,3*</u> 19,3±1,3	<u>22,4±6,6**</u> 14,0±2,3	13,8±2,4	12-15
DT, msec	<u>199±10,6*</u> 177,0±9,3*	<u>187±11,5**</u> 88,5±5,4	<u>67,8±4,5</u> 68,5±4,3	68±8,6	60-70
ЧҚОДҚ, см	<u>1,5±0,02</u> 1,1±0,3	<u>1,1±0,05*</u> 0,9±0,04	<u>0,8±0,04</u> 0,9±0,05	0,9±0,08	0.6-1.1
ЎБ, мм	<u>21,3 ± 2,6*</u> 17,0±2,3 *	<u>22,4 ± 5,7*</u> 17,0±0,7	<u>14,7 ± 2,6</u> 15,6±2,5	13,3±1,9	9,5 –20
ҚХФ, %	<u>43,4±6,9*</u> 47,0±5,2	<u>42,9±7,3*</u> 47,6 ±5,3	<u>46,8±5,6</u> 53,7±8,3	56,2±3,1	59 ± 65
Е/А	<u>0,98±0,06*</u> 1,1±0,7	<u>0,92±0,08*</u> 1,0±0,06	<u>1,4±0,6</u> 1,6±0,5	1,2±0,7	1,5- 1,7.
IVRT, msec	<u>95,6±7,6*</u> 87,0±6,3 *	<u>101,3±5,4</u> 97,0±9,3*	<u>73,6±4,2772,8±8,3</u>	73,8±4,3	70-75
ЧҚММ, г	<u>143,4±9,4*</u> 127,0±6,8	<u>140,5±5,7*</u> 136,0±7,3*	<u>113,6±7,3</u> 111,0±6,9	112,6± 7,5	95-135
ЧҚММИ, г/м ²	<u>126,4±5,2*</u> 117,0±0,3*	<u>130,1±5,6*</u> 125,5±7,3*	<u>119,2±5,3</u> 120,0±4,8	118,3±6,9	109-124

Изох: ифоданинг суратида д/к 3 ойдан сўнг кон кўрсаткичлари, маҳражида д/к 6 ойдан сўнг кон кўрсаткичлари келтирилган; *-назоратга нисбатан фарқлар ишончлилиги (*p<0,05, ** p<0,001): ОДЎ — охириги диастолик ўлчам, ОСЎ — охириги систолик ўлчам, ЎА — ўпка артерияси, ЧҚ — чап қоринча, ЧБ — чап бўлмача, и-з/ф — таққосланаётган кўрсаткичларда фарқлар қиймати ишончсиз; Ўк — ўнг қоринча, САб — систолик артериал босим, ЧҚОДҚ — чап қоринча орқа деворини қалинлиги, ҚАТҚ — қоринчалараро тўсик қалинлиги, ҚХФ — кон ҳайдалиш фракцияси, СЮЕ — сурункали юрак етишмовчилиги, ЮҚЧ — юрак қисқаришлари частотаси, DT — эрта диастолик тўлимида кон оқимининг секинлашуви вақти, IVRT — чап қоринча изоводемик бўшашиш вақти, Е/А — Е/А тўлқинлар тезлигини энг юқори чўққиси нисбати., ОДХ – охириги диастолик ҳажм, ОСХ – охириги систолик ҳажм, ЧҚММ – чап қоринча миокард массаси, ЧҚММИ – чап қоринча миокард массаси индекси.

3 ва 6 ойдан кейин даволаш динамикасида тадқиқотга киритилган беморларда (M ± m) буйракларнинг доплерография параметрлари кўрсаткичлари

Кўрсаткич	I гуруҳ (n=50) M±SD	II гуруҳ (n=50), M±SD	III гуруҳ (n=50), M±SD	назорат (n=20)	Норма	p
ЎБАСҚОЭЮТ (PSV), см/сек	<u>70,4±6,8</u> 88,4±7,2*	<u>78,3±6,5</u> 90,7±7,2*	<u>83,6± 5,6</u> 99,6±8,6*	95, 2 ± 12	100±20	1-4 <0.05 2-4<0.05 3-4 <0,05
(EDV) ЎБАОДҚОТ, см/сек	<u>21,4±6,5</u> 37,4±7,6*	<u>19,5±2,8</u> 39,8±8,2*	<u>23,8±5,6</u> 41,6±8,4*	33,2±7,4	25-50	1-4 <0.05 2-4<0.05 3-4 <0,05
Буйрак дарвозасида резистивлик индекси (РИ)	<u>2,5±0,7</u> 1,7±0,2*	<u>2,0±0,5</u> 1,0±0,6	<u>2,1±0,2*</u> 0,7±0,09*	0,5±0,09	<0,8	1-4 <0.05 2-4<0.05 3-4 <0,05
Интрааренал артерияларда резистивлик индекси (РИ)	<u>1,1±0,4</u> 0, 66±0,2*	<u>1,1±0,6</u> 0,48±0,06*	<u>1,1±0,4</u> 0,7± 0,07	0,6±0,03	0,34-0,74.	1-4 <0.05 2-4<0.05 3-4 <0,05
Тезланиш вақти (АТ), м/сек	<u>62,2 ±4,8*</u> 57, 5±8,5*	<u>59,7 ± 5,5</u> 54,7±8,2	<u>59,4 ±6,3*</u> 49,8±6,9*	42 ± 12,2	46 -55	1-4 <0.05 2-4<0.05 3-4 <0,05
Тезланиш индекси (PSV/АТ).	<u>1,2 ± 0,3*</u> 0,9±0,08	<u>1,1 ± 0,2</u> 0,3±0,03*	<u>1,1 ± 0,6*</u> 0,6±0,09*	0,7± 0,06	0,3–0.8	1-4 <0.05 2-4<0.05 3-4 <0,05

Изох: ифоданинг суратида д/к 3 ойдан сўнг қон кўрсаткичлари, маҳражида д/к 6 ойдан сўнг қон кўрсаткичлари келтирилган. *- назоратга нисбатан фарқлар ишончлилиги (*p<0,05, ** p<0,001), ЎБАСҚОЭЮТ- ўнг буйрак артериясида систолик қон оқимининг энг юқори тезлиги, ЎБАОДҚОТ- ўнг буйрак артериясида охириги-диастолик қон оқимининг тезлиги

4.5-жадвалдан кўришиб турибдики, асосий гуруҳнинг кўрсаткичлари 3 ва 6 ойдан кейин даволаш динамикасидаги дастлабки қийматлардан сезиларли даражада фарқ қилди. Ўнг буйрак артериясида энг юқори систолик ва охириги диастолик қон оқими тезлигининг сезиларли ўсиши ва буйрак дарвоза ва интрааренал артерияларда РИнинг пасайиши аниқланди.

Шундай қилиб, бизнинг натижаларимиз шуни кўрсатадики, неприлизин ангиотензин рецепторлари ингибитори ЮПЕРИО + фенофибрат ТРАЙКОРни даволаш схемаси касалликнинг дастлабки босқичларида ўткир юрак етишмовчилиги ва СБК билан оғриган беморлар учун оптимал дори терапияси сифатида қаралиши мумкин.

§4.2. Оксидланиш стрессининг ўрганилаётган маркерлари (эндотелиал NO синтаза - eNOS) ва РААТ (ренин, ангиотензин, альдостерон) ўртасидаги боғлиқликни марказий ва буйрак гемодинамикаси кўрсаткичлари билан таҳлил қилиш

Тадқиқот мақсадларига кўра, биз гуруҳлар бўйича эндотелиал NO синтаза - eNOS даражасини таҳлил қилдик (4.6-жадвал).

4.6-жадвал

Гуруҳлар бўйича қон зардобидаги эндотелиал NO синтаза - eNOS даражасини таҳлил қилиш

Кўрсаткич	I гуруҳ (n=13), M±SD	II гуруҳ (n=13), M±SD	III гуруҳ (n=12), M±SD	назорат (n=10), M±SD
eNOS пг/мл	5,36±25,6***	210,68±11,2	863,80± 12,2	805, 9±25,6

Изоҳ: *-назоратга нисбатан фарқлар ишончлилиги (*p<0,05, ** p<0,001, *** p<0,0001)

4.6-жадвалдан кўриниб турибдики, эндотелиал NO синтаза - eNOS ўртача қийматлари 1-гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада камайди (p<0,0001), 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда эса унинг даражаси ўртача нормал чегараларда эди (P> 0,05).

Батафсилроқ таҳлил шуни кўрсатдики, 1-гуруҳдаги 13 нафар беморнинг қон зардобидаги eNOS даражаси ҳаммада сезиларли даражада паст (100%, p<0,0001), 0,28 дан 65,3 пг / мл гача. 2-гуруҳда жуда паст eNOS қийматлари 5 нафар (38,4%) беморда (p<0,0001) кузатилди ва яна 5 нафар (38,4%) беморда сезиларли даражада паст (p<0,05), 0,22 дан 120 пг/млгача бўлган. 3-гуруҳда фақат 1нафар беморда eNOS қиймати 59,2 пг/мл оралиғида бўлган, қолганларида эса бу натижалар нормал чегараларда эди.

Шундай қилиб, биз альбуминурия босқичигача 2-тур ҚД ва КРС билан оғриган беморларда аллақачон эндотелиал дисфункция жараёнлари мавжудлигини аниқладик, бу эса ўз навбатида асоратлар каскадини келтириб чиқаради.

Биз 2-тур қандли диабет ва КРС билан оғриган беморларда эндотелиал NO синтаза - eNOS ва баъзи биокимёвий қон параметрлари ва марказий /

буйрак гемодинамикаси параметрлари ўртасидаги корреляцияни ҳисоблаб чиқдик (4.7-жадвал).

4.7-жадвалдан кўриниб турибдики, eNOS ва бир қатор лаборатория ҳамда инструментал кўрсаткичлар ўртасидаги муҳим корреляциялар аниқланган. Беморларнинг 1 ва 2-гурӯҳларида eNOS ва наҳорги гликемияси, гликирланган гемоглобин, ЧҚкХФ даражаси ва доплерография кўрсаткичлари ўртасида корреляция аниқланди, бу эса асоратларнинг дастлабки босқичларида КРС ривожланишида ушбу кўрсаткичнинг юқори прогностик қийматини тасдиқлайди. 3-гурӯҳда eNOS ва наҳорги гликемия ҳамда гликирланган гемоглобин даражаси ўртасида корреляция мавжуд эди.

4.7-жадвал

Тадқиқот гурӯҳларида eNOS қийматларининг лаборатория ва инструментал кўрсаткичлар билан корреляцион (R)боғлиқлиги

№	КФТ мл/мин/ 1.73 м ²	Наҳорги гликемия Ммоль/л	НьА1С %	ЧҚкХФ, %	ЎАЎБ, мм рт.ст.	ЎБАҚОТ см/сек	ЎБАСҚОЭЮТ
1 гр	-0.27*	0,68*	0,63*	-0,67**	0,37	0,68*	0,62*
2 гр	-0.22*	0,59*	0,45*	-0,59*	0,32	0,56*	0,55*
3 гр	-0.21*	0,44*	0,49*	-0,31	0,44	0,20	0,28

Изоҳ: ЧҚкХФ – чап қоринча қонни ҳайдаш фракцияси, ЎАЎБ – ўпка артериясини ўртача босими, ЎБАҚОТ– ўнг буйрак артериясида қон оқими тезлиги, ЎБАСҚОЭЮТ- ўнг буйрак артериясида систолик қон оқимининг энг юқори тезлиги.

Ўтказилган корреляция таҳлили 1-гурӯҳдаги беморларда eNOS қийматлари ва наҳорги гликемияси ўртасида ўртача кучнинг бевосита боғлиқлигини кўрсатди. ($p=0,68$, $p<0,05$). Худди шу гурӯҳда eNOS қийматлари ва ЧҚкХФ ўртасида тесқари, ўртача кучли боғлиқлик мавжуд эди ($p = -0,67$, $p<0,001$) eNOS ва КФТ ўртасида кучсиз манфий корреляция мавжуд эди ($p = -0,27$, $p<0,05$).

Плазмадаги альдостерон даражаси ошгани сари, 3-бобда қайд этилганидек, eNOS қийматлари концентрациясининг пасайиши кузатилади, яъни эндотелиал дисфукциянинг кучайиши кузатилади. Бизнинг

тадқиқотимизда барча гуруҳлардаги беморларда ушбу кўрсаткичлар ўртасида бевосита, ўртача кучли корреляция аниқланди.

СЮЕ ва СБК мавжуд бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ушбу белгиларнинг кўпайиши асоратларни, шу жумладан ўлимни ривожланиши учун негатив прогнознинг энг муҳим белгисидир.

Шундай қилиб, ушбу таҳлилни амалга ошириш орқали биз биринчи бўлиб 2-тур қандли диабет ва КРС билан оғриган беморларда eNOS ва бир қатор лаборатория ва инструментал кўрсаткичлар ўртасидаги юқорида айтиб ўтилган корреляцияни ўрнатдик. Ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик ахамиятли эди. Буларнинг барчаси касалликнинг дастлабки босқичларида 2-тур қандли диабет касаллигида КРС натижаларини башорат қилиш учун eNOS дан прогностик маркер сифатида фойдаланиш имкониятини таъкидлайди.

Шу мақсадда биз 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишини башорат қилиш алгоритмида ушбу қийматлардан фойдаланиш мақсадида қондаги eNOS даражасини таклиф қилдик. Қон зардобидаги eNOS нормаси: 186,7-1440,9 пг/мл. Ушбу қийматларга асосланиб, биз уларни 3 та хавф даражасига ажратдик: 1. Енгил хавф - қон зардобида eNOS миқдори билан: 186,7 дан 1440,9 пг/мл гача, 2. Ўртача хавф - қон зардобида eNOS миқдори 20 дан 186,7 гача. пг/мл, 3. Юқори хавф - қон зардобида eNOS миқдори 10 пг/мл дан кам.

§4.3. 2-тур қандли диабетда кардиоренал синдромини ташхислаш алгоритми ва уни ривожланишини башоратлаш учун хавф омилларини интеграл баҳолаш

Ушбу тадқиқотда 1-2-босқичдаги СБК + ЮЕ, 2-тур қандли диабет ва ЮЕ, шунингдек, 2-тур қандли диабет ва 1-2 босқичли СБК билан асоратлаган 2-тур қандли диабет билан оғриган 150 нафар бемор иштирок этди.

Маълумотларни қайта ишлаш учун SPSS22.0. статистик дастуридан фойдаланилди. Оддий тақсимланган ўлчов маълумотлари $X \pm s$ сифатида тақдим этилган. Гуруҳларни солиштириш учун t - тести қўлланилди. $p < 0,05$

қиймати статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланган. Ҳар бир омил учун хавф нисбати 95% ишонч оралиғи билан баҳоланди. Узлуксиз ва бинар предикторлар учун Вальд мезонлари ишлатилган.

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишини бшпоратлашни эрта ҳисоблаш мақсадида биз Е.Н.Шиган [1983] томонидан интенсив кўрсаткичларни стандартлаштириш (ИКС) усулидан фойдаландик. Баҳоланган омиллар мажмуасига қуйидагилар киради: беморнинг жинси, ёши, семизлик, гиперхолестеринемия, ирсий мойиллик, артериал гипертензия ва ёмон одатларнинг мавжудлиги, 2-тур ҚД давомийлиги, ЮЕ давомийлиги, СБК давомийлиги, САБ, ДАБ, eNOS, альдостерон, КФТ, HbA1C, ЧҚкХФ, шунингдек, яшаш жойи (шаҳар/қишлоқ).

Ҳар бир омилнинг ҳиссаси ва унинг градацияси нисбий хавф (НХ) кўрсаткичи билан аниқланди, бу кўрсаткичнинг максимал интенсивлик даражасининг ҳар бир алоҳида омил ичидаги минимал даражага нисбати.

Нормаллаштирилган интенсив индикатор (НИИ) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилган: $НИИ = r/M$, бу ерда: r - ҳар юзта текширилган беморда ҚД нинг интенсив кўрсаткичи, M - "меъёрлаштирувчи кўрсаткич". Яъни, ҳар бир омил учун ҳисобланган НИИ стандарт бўлиб, фойдаланилаётган вақтда 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш мумкин. СД нинг пайдо бўлишига ҳар бир алоҳида омилнинг таъсир кучини, яъни башоратлаш коэффицентини (X) касаллик пайдо бўлиш нисбий хавф қийматини (НХ) ва нормаллаштирилган интенсив индексни (НИИ) билган ҳолда қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$X = НХ \times НИИ$, бу ерда X индивидуал омилнинг таъсир кучига (башоратлаш коэффицентини) қараб интеграцияланган хавф кўрсаткичидир.

Бир омилли таҳлиллар шуни кўрсатдики, КРС ривожланиши билан боғлиқ хавф омиллари 2-тур қандли диабетнинг давомийлигини; қон глюкоза, гликирланган гемоглобин, ўтказилган транзитор ишемик ҳужумлар (ТИХ), САБ, қондаги креатинин кабиларни ўз ичига олади. Кўп қиррали таҳлил

натижалари 65 ёшдан юқори бўлганлар, 2-тур КД давомийлиги, гиперхолестеринемия, САБ, ДАБ, eNOS, альдостерон, КФТ, HbA1C мустақил хавф омиллари эканлигини кўрсатди (4.8-жадвал).

4.8-жадвал

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланиш хавфини кўп қиррали таҳлил қилиш

Хавф омиллари	Ч, %	С, %	Вальда мезони	р	OR	95% ИИ
Ёши > 65	81,3	88,5	4.440	0,035	8.859	1,165–67,384
2-тур КД давомийлиги	56,5	74,5	5.559	0,018	4.762	1.301–17.424
HbA1C	82,5	84,7	8.274	0,004	0,819	0,715–0,938
ЮЕ давомийлиги	68,5	84,6	0,753	0,385	0,037	0,612–0,856
СБК давомийлиги	76,6	83,8	6.134	0,015	1.813	0,573–0,985
ТИХ	58,8	69,8	8.134	0,009	1.673	0,372–0,570
Креатинин	77,3	85,5	6.734	0,029	3.392	0,598–0,789
ЗПЛП,	58,4	74,6	5.762	0,016	10.298	0,604–0,777
ЗЮЛП,	66,3	80,2	4.278	0,022	2.517	0,302–0,811
ОХ	55,3	72,5	2.763	0,411	0.723	0,323–0,586
САБ	60,3	77,5	7.982	0,023	3.764	0,312–0,822
eNOS	69,8	82,9	8.345	0,045	4.655	0,409–0,834
альдостерон,	72,6	88,6	7.956	0,039	4.344	0,456–0,863
ДАБ	66,5	82,7	6.233	0,0564	7.128	0,609–0,855
КФТ	68,7	86,3	5.987	0.0453	6.298	0,614–0,813

Изоҳ: OR- имкониятлар муносабати, р – фарқлар ишончилиги, Ч – сезгирлик, С – хусусийлик, ТИХ – транзитор ишемик хужумлар, ИИ-ишончилик интервали

КРС ривожланишини башоратлаш учун интеграл баҳолаш бўйича маълумотлар 4.9-жадвалда келтирилган.

4.9-жадвал

**2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланиши учун
хавф омилларини интеграл таҳлил қилиш**

СД 2		%	НИК	НХ	ИБ	мин	макс
		57,5					
жинси	эркаклар	45,67	0,856	1,22	1,08	1,09	1,17
	аёллар	54,33	1,234		1,09		
ёши	16-29 ёш	38,92	0,722	2,23	1,12	1,12	3,54
	30-44 ёш	62,34	0,867		2,89		
	45-59 ёш	48,18	1,435		3,56		
	60-74 ёш	78,21	2,987		3,19		
2-тур ҚД га ирсий мойиллик	бор	72,56	1,234	2,45	4,56	1,15	3,45
	йўқ	27,44	1,564		2,12		
СБК га ирсий мойиллик	бор	79,21	2,567	3,67	2,45	1,76	4,45
	йўқ	20,79	0,767		1,34		
Гиперхолестеринемия	бор	86,45	3,786	3,45	3,32	1,38	3,86
	йўқ	57,12	1,012		1,26		
САБ ортиши	бор	78,34	2,875	1,98	2,87	1,66	2,96
	йўқ	42,88	1,234		1,34		
ДАБ ортиши	бор	67,53	2,875	2,78	1,07	1,34	3,11
	йўқ	32,47	1,428		2,98		
Альдостерон ортиши	бор	69,98	2,786	2,87	4,32	1,21	3,87
	йўқ	30,02	1,512		1,08		
КФТ пасайиши	бор	88,24	3,897	3,78	4,23	1,42	3,67
	йўқ	11,76	1,453		1,12		
eNOS пасайиши	бор	78,73	3,642	3,99	3,87	1,56	4,09
	йўқ	21,27	1,786		1,49		
НьА1С ортиши	бор	75,28	2,349	2,39	3,67	1,03	3,56
	йўқ	24,72	1,213		1,23		
Рениннинг ортиши	бор	68,12	2,078	2,18	3,32	1,54	3,32
	йўқ	31,88	1,532		1,87		
2-тур ҚД давомийлиги	1 ёшгача	18,12	1,212	3,15	1,23	1,23	3,45
	1 - 3 ёш	19,23	0,765		3,34		
	3 - 5 ёш	21,00	1,672		5,76		
	6 - 10 ёш	15,27	1,231		5,12		
	10 ёш ваундан юкори	26,38	1,213		3,22		

Эҳтимолий омиллар комплекси бўйича, жадваллар ва ҳисоблаб чиқилган маълумотларга асосланиб, биз хавф қийматларининг мумкин бўлган чегараларини аниқладик. Бундай ҳолда, хавф чегараси 17,49 - 44,5 оралиғида.

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланиш хавфи учун биз ишлаб чиққан чегаралар 4.10-жадвалда келтирилган.

4.10-жадвал

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланиш эҳтимоли бўлган хавф чегараси

Хавфни белгилаш	Хавф чегаралари	Башоратлаш
Кучсиз эҳтимоллик	186,7 до 1440, 9 пг/мл	Ижобий
Ўртача эҳтимоллик	от 20 до 186,7 пг/мл	Хавфнинг ўртача даражаси
Юқори эҳтимоллик	<10 пг/мл	Салбий

Ўтказилган ҳисоб-китобларга асосланиб, ҳар бир хавф омили учун минимал ва максимал балларнинг умумий йиғиндиси аниқланди ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишининг хавф диапазони ишлаб чиқилди:

1. Энг кичик - (КРС учун: 19,49 гача). Ушбу махсус балл олинган беморлар қулай прогнозли гуруҳга киради ва уларда КРС ривожланиш хавфи паст.


2. Ўртача - (КРС учун: 20,0-44,59). Ушбу кичик диапазонга тушган беморлар КРСни бошдан кечириш эҳтимоли кўпроқ ва шифокорлар диққат марказида бўлиши керак.

3. Юқори - (КРС учун: 45,0 ва ундан ортиқ). Ушбу кичик диапазонда хавф омилларининг таъсири максимал бўлиб, ундаги беморларда КРС ривожланиши учун ноқулай прогноз мавжуд.

4.9-жадвалдан фойдаланиб, биз РААТ кўрсаткичлари (ренин, альдостерон) ва марказий/буйрак гемодинамикаси маълумотларини ҳисобга олган ҳолда 2-тур қандли диабетдаги кардиоренал натижалар учун башорат қилиш шкаласини ишлаб чиқдик.


Биринчи марта асоратларни ривожланиши учун хавф омилларини яхлит баҳолаш орқали ишлаб чиқилган 2-тур диабетдаги кардио-буйрак

натижаларининг прогноз шкаласи (4.1-расм) соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида 2-тур диабет билан оғриган беморларга профилактик ёрдам кўрсатишга имкон беради.



4.1. расм. 2-тур қандли диабетдаги кардиоренал натижаларни башорат қилиш шкаласи.

Юқоридаги методологияга асосланиб, биз 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланиш хавфи даражасини баҳолаш алгоритмини ишлаб чиқдик (4.2-расм).



4.2-расм. 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланиш хавфи даражасини баҳолаш алгоритми.

ХОТИМА

2-тур қандли диабет (ҚД2), сурункали буйрак касаллиги (СБК) ва юрак етишмовчилиги (ЮЕ) умумий эпидемиологик ва патофизиологик хусусиятларга эга. Уларнинг тарқалиши тавсифланган бўлсада, бир-бирига мос келишига оид ҳозирги юқори аниқликдаги эпидемиологик маълумотлар чекланган [130].

Муаллифлар сўнгги нашрда кардиометаболик синдром 2-тур қандли диабет (ҚД2) ва атеросклеротик юрак-қон томир касалликлари (АСЮҚТК) ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратишини, кардиоренал синдром эса СБК ва ЮЕ ўртасидаги муносабатларга қаратилганлигини таъкидладилар [126; 24-34-б]. Улар СБК, ҚД2, АСЮҚТК ва ЮЕ ўртасидаги барча муносабатлар муҳим ва икки томонлама бўлган деган хулосага келишди. СБК, 2-тур қандли диабет, ЮЕ ва АСЮҚТК билан касалланиш бошқалар учун хавф туғдиради. Ушбу шартларни ўз ичига олган кардиометаболик буйрак синдроми даволашга комплекс ёндашувни талаб қиладиган муҳим касаллик бўлиши мумкин.

Дунё бўйлаб тахминан 537 миллион киши 2-тур ҚД, 697 миллион киши сурункали буйрак касаллиги (СБК) ва 64 миллион киши юрак етишмовчилиги (ЮЕ) билан касалланган. Бу шартлар биргаликда аёвсиз патофизиологик ҳалқаларни ҳосил қилади ва улардан бирининг мавжудлиги бошқаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Масалан, 2-тур қандли диабет ҳам ЮЕ, ҳам СБК пайдо бўлишига олиб келади [19; б. 1607-1618 йиллар.], ва ЮЕ буйрак функциясининг пасайишига олиб келиши мумкин ва аксинча, кардиоренал синдромнинг бир қисми сифатида [118; 840-878-б.].

Бир неча йиллар давомида 2-тур қандли диабет, СБК ва ЮЕ учун даволаш усуллари бир-бирига мос келмади. Мисол учун, тиазолидиндионлар 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда гликемик назоратни яхшилайти; ва эндотелин рецепторлари антагонистлари СБК билан оғриган беморларда буйрак натижаларини яхшилайти. Бироқ, иккаласи ҳам ЮЕ хавфи ортиши билан боғлиқ эди [70; 1937-1947-б.].

Ренин-ангиотензин-альдостерон тизимининг блокадаси ЮЕ ёки СБК билан оғриган беморларда натижаларни яхшилайдди, аммо гликемик назоратга таъсир қилмайди. Яқинда натрий-глюкоза котранспортер 2 ингибиторлари (SGLT2i) гликемик назоратни яхшилаши ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ЮЕ ва СБК билан касалланиш ҳолатларини камайтириши, шунингдек, 2-тур қандли диабет мавжуд бўлган ёки бўлмаган СБК ҳамда ЮЕ билан оғриган беморларда натижаларни яхшилаши кўрсатилди. [126; 24-34-б.]. Шундай қилиб, SGLT2i терапияси бутун "диабетик кардио-буйрак спектри" (КРС спектри) бўйлаб беморларга фойда келтиради [71]. Ушбу ҳолатларнинг эпидемиологик характеристикалари тавсифланган бўлсада, индивидуал беморларда КРС спектрининг бир ёки бир нечта компонентлари мавжудлиги эҳтимоллигини баҳолашда камчилик мавжуд.

Миллий когорт тадқиқоти муаллифларининг чоп этилган ҳисоботида 2-тур ҚД билан оғриган беморлар орасида КРС ни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 2-тур ҚД билан оғриган беморлар КРС билан оғриган беморларнинг деярли ярмини ташкил қилади ва уларнинг диабет бўлмаган ҳамкасбларига қараганда ёшроқдир.

2-тур қандли диабет КРС хавфини икки баравар оширади ҳамда ўлим хавфини ортишига олиб келади, шунингдек, юрак-қон томир ва буйрак касаллигининг сўнгги босқичи хавфини оширади, аммо КРСдан кейинги ишемик инсультни эмас. [163]. Шундай қилиб, кардиоренал синдроми мавжуд бўлмаган 4,605,236 катталар орасида 2-тур ҚД мавжуд бўлган 380,581 (8,5%), 2-тур ҚД мавжуд бўлмаган 380,581 катталар билан мос келди. Кузатув давомида КРС 104,788 беморда кузатилди: бир вақтнинг ўзида $n = 25,225$ (24,0%); кардиоренал $n = 51,745$ (49,4%); буйрак-юрак $n = 27,818$ (26,5%). 2-тур қандли диабет КРС хавфини икки баравар оширди (йилига 1,30% га нисбатан 0,65%; ҳар қандай КРС учун тузатилган хавф нисбати (ХН).

Юқорида келтирилганларнинг барчаси ушбу тадқиқотни ўтказишга сабаб бўлди.

Тадқиқот мақсади сурункали юрак етишмовчилиги ҳамда 1-2 босқичдаги сурункали буйрак касалликлари билан бирга кечувчи 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда ангиотензин II рецепторлари антагонистларини неприлизин ингибитори (Сакубитрил/Валсартан) ҳамда фенофибрат билан биргаликдаги гипогликемик терапиянинг кардио ва нефропротектив таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари:

сурункали юрак етишмовчилиги ҳамда 1-2 босқичдаги сурункали буйрак касалликлари билан бирга кечувчи 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда марказий ҳамда буйрак гемодинамикаси мезонларини ва қоннинг клиник, биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш ;

сурункали юрак етишмовчилиги ҳамда 1-2 босқичдаги сурункали буйрак касалликлари билан бирга кечувчи 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда марказий ҳамда буйрак гемодинамикаси мезонларини ва қоннинг клиник, биокимёвий кўрсаткичлари динамикасини ангиотензин II рецепторлари антагонистларини неприлизин ингибитори (Сакубитрил/Валсартан) ҳамда фенофибрат билан биргаликда даволашгача ва даволашдан кейин аниқлаш ;

2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда кардиоренал синдромнинг ривожланишида оксидловчи стресс (эндотелиал NO синтаза - eNOS), РААТ кўрсаткичлари (ренин, ангиотензин II, альдостерон) ва марказий/буйрак гемодинамикаси маркерининг башоратловчи ролини баҳолаш.

2-тур қандли диабетда кардиоренал оқибатларнинг ривожланиш хавф омилларини интеграл баҳолаш ва КРС ривожланишини башоратлаш алгоритминини яратиш.

Тадқиқот материали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология тиббиёт марказида, 2022-2023 йилларда диабетик нефропатия бўлимида даволанган 2-тур қандли диабет билан оғриган 1-2 босқичдаги СЮЕ

ва СБК 1-2 босқичдаги 150 нафар беморнинг истиқболли ягона марказли қиёсий тадқиқоти маълумотларини таҳлил қилиш орқали тақдим этилган. Уларнинг 107 нафари (71,3 %) эркаклар, 43 нафари (28,7 %) аёллар бўлиб, улар динамикада доимий назорат қилинган. Эркакларнинг ўртача ёши 57,12 ёшни, аёлларники 58,15 ёшни ташкил этди. Касалликнинг давомийлиги ўртача 2 йилдан 15 йил оралиғида бўлган.

Беморлар 3 гуруҳга бўлинган:

1 гуруҳ - 1-2 босқичдаги СБК ва СЮЕ бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар, n = 50 нафар бемор;

2 гуруҳ - 1-2 босқичдаги СБК бўлмаган, СЮЕ мавжуд 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар, n = 50 нафар бемор;

3 гуруҳ - 1-2 босқичдаги СБК бўлган, СЮЕ мавжуд бўлмаган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар, n = 50 нафар бемор;

Назорат гуруҳини СБК ва СЮЕ бўлмаган 2-тур қандли диабет билан оғриган 20 нафар беморлар (10 та эркак ва 10 та аёл) ташкил этди. Умуман олганда, 45 ёшдан 74 ёшгача бўлган беморларнинг сони устунлик қилди (95 нафар эркак ва 38 нафар аёл).

Тадқиқотга киритиш мезонлари: аёллар, эркаклар, 2-тур қандли диабет, СЮЕ, 1-2 босқичдаги СБК, КРС;

Тадқиқотдан чеклаш мезонлари: диабетик тўпиқ синдроми, 4-5 босқичдаги СБК, ўткир инсульт, ўткир инфаркт миокарди, ўткир буйрак етишмовчилиги, сурункали пиелонефрит, сурункали панкреатит, онкологик касалликлар, оғир соматик ва тизимли касалликлар, ҳомилададорлик ва лактация даври.

СЮЕ мавжудлигини СЮЕни ташхислаш ва даволаш бўйича Россия миллий тавсияларига киритилган мезонларга мувофиқ аниқланди. СЮЕ нинг оғирлик даражаси клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи бўйича аниқланади (Илова 1. ШОКС Мареев В.Ю., бўйича; 2005).

Клиник ва демографик кўрсаткичлар - ўрганилаётган беморларда йўлдош касалликлар, асоратлар, 2-тур қандли диабет давомийлиги, СБК ва

СЮЕ давомийлигини назорат гуруҳи билан таққосланганда фарқлар ишончлилиги аниқланди ($p < 0,005$). Шу билан бирга, 1-гуруҳдаги 50 бемордан 10 нафар (20%) беморда анамнезида миокард инфаркти мавжуд эди. Худди шу гуруҳда ёмон одатлар (чекиш) тез-тез учради ва 2-тур диабетнинг давомийлиги назорат гуруҳига нисбатан устунлик қилди ($p < 0,05$). Ўрганилаётган беморларда САБ, ДАБ ва ТВИ бўйича назорат билан солиштирилганда фарқларнинг ишончлилиги аниқланди ($p < 0,05$).

СЮЕ баҳолаш шкаласи бўйича энг юқори балл 1-гуруҳдаги беморлар томонидан тўпланган - $8,3 \pm 0,6$ балл (ЮЕ-III Ф), 2-гуруҳдаги беморлар - $4,5 \pm 0,1$ балл (ЮЕ-II Ф) ва 3-ўринда 3-гуруҳдаги беморлар - $1,3 \pm 0,2$ балл. Шундай қилиб, КХБШ СЮЕ оғирлигини ва беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун қулай воситадир. Биз ушбу ўлчовдан 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишини башорат қилиш алгоритминини яратиш учун фойдаландик.

Беморларни биокимёвий хусусиятларини ўрганганимизда, асосий гуруҳдаги беморларда дислипидемия (ЮЗЛП, КФТнинг пасайиши) фонида ($p < 0,05$), наҳорги гликемия, ($p < 0,005$) овқатдан кейинги гликемия, гликирланган гемоглобин миқдори сезиларли даражада ошган. Ишимизнинг навбатдаги босқичи 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда бўйрақларнинг функционал ҳолатини акс эттирувчи қон параметрларини ўрганиш эди. Беморларнинг 1 ва 3 гуруҳларида биз қонда креатинин, мочевина, сийдик кислотасининг сезиларли ўсишини ($p < 0,005$) ва назорат гуруҳидаги натижаларга нисбатан КФТнинг сезиларли даражада пасайишини аниқладик ($p < 0,005$). Беморларнинг 2 гуруҳида бу кўрсаткичлар нормал чегараларда эди.

Марказий гемодинамика мезонларини ўрганиш шуни кўрсатдики, 1 ва 2 гуруҳларнинг марказий гемодинамик кўрсаткичларида назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқ мавжуд: ОДЎ ЧК, ОСХ, ОДХ, ЧК ОСЎ ($p < 0,05$), ўпка артериясидаги ўртача босим, эрта диастолик қон оқими тўлимини секинлашиш вақти, ЧҚОДҚ ($p < 0,001$), ҚХФ, Э/А тўлқинлари энг юқори

тезлиги нисбати, ЧҚ, ЧҚММ, ЧҚММИ изоволемик бўшашиш вақти ($p < 0,05$), ammo 3-гуруҳда ЭхоЭКГ кўрсаткичлари кўп ҳолларда меъерий чегараларда бўлди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, 1 ва 2-гуруҳларда, аксарият ҳолларда ЧҚ систолик дисфункциясининг характерли белгилари пайдо бўлган.

Кейинчалик, текширилган беморларда ЧҚ параметрларини гуруҳлар бўйича ўрганиб чиқдик). Devereux R. ва Reichek (1977) ҳамда D. Dubois (1975) формуласига кўра, чап қоринча массаси, чап қоринча массаси индекси ва чап қоринча деворларининг нисбий қалинлиги ҳисобланди. Кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайди. Шунини таъкидлаш керакки, беморларнинг 1 ва 2-гуруҳдаги барча ЧҚ параметрлари назорат гуруҳидаги маълумотлардан сезиларли даражада фарқ қилиб, 3-гуруҳда беморларнинг аксариятида (50 нафар бемордан 36та (72%)) сезиларли ўзгаришлар аниқланмади. 1-2-гуруҳлардаги беморларда Эхо-ЭКГ ўзгаришлари ЧҚ систолик дисфункцияси турига қараб, 3-гуруҳдаги беморларда эса ўпка артериясида ўртача босимни ошириш тенденцияси билан 1-2 даража диастолик дисфункция турига кўра аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, ЧҚ систолик дисфункцияси бизнинг беморларимизда қайд этилганидек, симптомсиз кечиши билан тавсифланади. Бемор характерли симптомлар мавжудлигини ҳам, уларнинг тўлиқ йўқлигини ҳам қайд этиши мумкин. Иккинчи ҳолда, симптоматик дисфункция ҳақида баён этилади.

Тадқиқот давомида, ёш, НОМА индекси, ТВИ ни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг ЧҚҚХФ ҳолатига боғлиқ ҳолда эхокардиографик тасвирини таҳлил қилдик. 1, 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда ЧҚҚХФ ҳолатига қараб ёш, ТВИ, гликемия, гликирланган гемоглобин, инсулин ёки НОМА индексининг ўртача кўрсаткичларида сезиларли фарқлар топилмагани аниқланди. Шу билан бирга, фақат альдостерон ва ренин даражасида фарқлар ишончлилиги аниқланди - бу кўрсаткичлар барча гуруҳлардаги беморларда ЧҚҚХФ пасайган сари сезиларли ортди ($p < 0,05$).

Шундай қилиб, тадқиқотлар таҳлили 1 ва 2-гуруҳларда ва 3-гуруҳдаги бир қатор беморларда Эхо-ЭКГда бир қатор органик ўзгаришларни аниқлади - 14 (28%). Шуни таъкидлаш керакки, альдостерон ва ренин даражаси барча кузатилган гуруҳларда назорат гуруҳидаги қийматлардан сезиларли даражада юқори эди ($p < 0,001$). Биз 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда қонда альдостерон ва ренин кўпайиши даражасининг градацияларини тақлиф қилдик. Сақланган ЧҚҚҲФ билан 65 дан 75 пг / мл / 46-50 мкМЕ / мл гача бўлган енгил ўсиш даражаси, оралиқ ЧҚҚҲФ учун 76 дан 120 пг / мл / 51-55 мкМЕ / мл гача бўлган ўртача ўсиш даражаси ҳамда 120 пг дан ортиқ, / мл / 55 мМЕ / мл дан ортиқ - паст ЧҚҚҲФ билан кузатилган альдостероннинг юқори даражаси.

Кардиоренал синдром (КРС) бўйича тадқиқотлар сони ортиб бораётганига қарамай, касалликнинг патогенезига боғлиқ масалалар ҳали ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда [91; 82-98-б.]. Буйрак ёки юракнинг шикастланиши билан бирга иккинчи органнинг дисфункцияси мавжуд бўлганда КРС га шубҳага қилинади.

Диагностик қийинчиликлар касалликнинг клиник кўринишидан олдинги босқичда ёки фақат битта органларнинг иши бузилганида вужудга келади, иккинчи органнинг функцияси шубҳали кўринмайди ва аралашувни талаб қилмайди. Шу билан бирга, органларнинг бирида функционал даражадаги кичик патологик ўзгаришлар ҳам бошқасининг фаолиятида ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Муаллифларнинг фикрича, буйрак перфузиясининг бузилиши КРС патогенезида муҳим бўғин ҳисобланади [91; 82-98-б.]. Маълумки, буйрак перфузияси тегишли орган ва тўқималарининг кислород билан таъминланишини белгилайди [138; 138-47-б.]. Буйрак перфузиясининг пасайиши ҳам, ортиши ҳам тўқималарнинг кислород билан таъминланиши ва фибрознинг пасайишига олиб келади. Аниқланишича, чап қоринча ЮЕ буйрак перфузиясининг пасайишига ва нормал органлар перфузиясини тиклаш учун

юрақдан қон ҳайдалишни яхшилайдиган компенсацион механизмларнинг ишга туширилишига олиб келади [139; 263-70-б.].

Аммо бошқа томондан, патологик жараёнлар, биринчи навбатда, буйрақларга таъсир қилади, перфузияни сезиларли даражада ўзгартиради, бу эса орган функциясининг сезиларли даражада бузилишига олиб келади. Маълумки, СБК тузнинг ажралиб чиқиши, сувни ушлаб туриш, нейрогормонал фаоллашув ва қон босими назоратини ёмонлашувига олиб келади. Бу омилларнинг барчаси сурункали КРС ривожланишининг асосий сабаблари ҳисобланади [91; 82-98-б., 147; 158-73-б.]. Шундай қилиб, буйрақ перфузияси параметрларини баҳолаш кардиоренал ўқнинг бузилишини эрта ташхислаш учун муҳим ҳисобланади.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, асосий гуруҳнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилган ($p < 0,05$). Ушбу гуруҳда ўнг буйрақ артериясида энг юқори систолик ва охириги диастолик қон оқими тезлигининг пасайиши ва буйрақ дарвоза ва интраренал артерияларда РИ нинг ортиши аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг маълумотларимиз буйрақ перфузияси индекси буйрақ функциясига қараганда, кўпроқ, юракдан қон ҳайдалиши билан чамбарчас боғлиқлиги ва сурункали КРС нинг дастлабки босқичини аниқлашда фойдали бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фаразни тасдиқлади [79; 395-402-б.].

Кейинчалик, 1 ва 2-гуруҳлардаги беморларда кунлик мониторингда ўзгаришлар борлиги аниқланди. Ҳар иккала гуруҳда ҳам тахисистолия қайд этилди, шу билан бирга бу гуруҳларда субмаксимал юрак қисқаришлар частотасига эриша олмаслик, шунингдек, ритм бузилиши кузатилди.

Юрак-буйрақ шикастланишининг йўналишини аниқлашда РИ нинг диагностик қийматини баҳолаш учун кўрсаткичлар таҳлили ва биокимёвий тадқиқотлар кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик, юрак ва буйрақларнинг доплерографияси ўтказилди. РИ нинг оптимал корреляцияси 0,67 ни ташкил этди ва РИ $< 0,67$ 41,7% сезувчанлик ва 82,5% ўзига хослик билан сурункали

кардиоренал синдромли беморларни аниқлаш имконини берди. РИ ва бир катор лаборатория ва инструментал кўрсаткичлар ўртасидаги муҳим корреляция аниқланди. Беморларнинг иккала гуруҳида ҳам РИ ва очлик гликемияси, гликирланган гемоглобин ва доплерография индекслари даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди, бу СБК ривожланишида ушбу кўрсаткичнинг юқори прогностик қийматини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, юрак ва буйрақларнинг доплерография текширувидан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, биз биринчи марта СБК билан бирга кечган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда систолик юрак функциясининг РИ га таъсирини тақдим этамиз. Бу юрак тузилмаларини юқори сифатли ультратовуш текшируви имконсиз бўлганда (техниканинг етишмаслиги, ўпка амфиземаси, семизлик) буйрақларнинг ультратовуш текшируви пайтида юрак систолик патологиясини эрта ноинвазив аниқлаш имконини беради. Ниҳоят, РИ ни баҳолаш юракдан қон ҳайдашни пасайиши билан боғлиқ КРС ни эрта аниқлаш учун фойдали бўлиши мумкин [16; 342-347-б.]. Шу билан бирга, кардиоренал ўқнинг эрта нуқсонларини ташхислаш учун РИ нинг қўлланилиши қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғланиш ишончли эканлигини кўрдик. Буларнинг барчаси РИ дан 2-тур қандли диабетдаги СБК натижаларини башорат қилиш учун мустақил маркер сифатида фойдаланиш имкониятини таъкидлайди.

Шундай қилиб, СЮЕ бўлмаган ҳамда 1-2 босқичли СБК мавжуд бўлган 2-тур қандли диабет билан оғриган беморлар гуруҳида биз ўпка артериясида ўртача босимни ошириш тенденцияси билан 1-2 даражали ЧҚ диастолик дисфункциясидаги Эхо-ЭКГ ўзгаришларини аниқладик. РИ 2-тур қандли диабетда СБК натижаларини башорат қилиш учун мустақил маркер сифатида ишлатилиши мумкин.

Тадқиқотнинг кейинги босқичининг мақсади беморларнинг тадқиқот гуруҳларида буйрак шикастланишининг преклиник босқичида ангиотензин II рецепторлари антагонистлари ва неприлизин (ЮПЕРИО) ҳамда фенофибрат

(ТРАЙКОР) билан биргаликда терапия самарадорлигини қиёсий баҳолаш эди. ЮПЕРИО+ТРАЙКОР билан 3 ва 6 ойлик даволанишдан сўнг барча гуруҳлардаги беморларда сезиларли фарқлар кузатилди. Шу билан бирга, 1-гуруҳдаги беморларда шикоятларни бартараф этилиши камроқ, 2 ва 3-гуруҳларда эса яхшиланган беморларнинг улуши сезиларли даражада устунлик қилди ($p < 0,05$).

Тадқиқот натижаларига кўра, 1 ва 2-гуруҳларда КХБШ шкаласи бўйича маълумотларнинг динамикаси 6 ойлик даволанишдан кейин ишончли бўлганлиги аниқланди. Бироқ, 3 ойдан сўнг симптомлар оғирлигининг пасайиши тенденцияси кузатилди (балларда). Шундай қилиб, нафас қисилиши, вазннинг ўзгарувчанлиги, юракдаги тартибсизликлар, бўйин томирларининг шишиши, ўпкада хириллаш, юракда “галопп” ритмининг мавжудлиги, гепатомегалия, оёқ-қўлларда шиш, олигурия ва бошқа шикоятлар интенсивлиги камайди. 1-гуруҳда 3 ойдан кейин умумий балл $12,7 \pm 0,6$ ойдан кейин - $7,3 \pm 0,5$ балл ($p < 0,05$), 2-гуруҳда 3 ойдан кейин - $10,6 \pm 2,1$ ва олти ойдан кейин $6,3 \pm 0,7$ балл ($p < 0,05$)га етди.

Кейинчалик, биз 3 ва 6 ойлик терапиядан сўнг биокимёвий тадқиқот кўрсаткичларининг динамикасини ўргандик 3 ойдан кейин биокимёвий қон параметрлари даражасининг ўзгариши сезиларли даражада ошди: барча гуруҳларда қондаги умумий оқсилнинг ўртача қийматлари даволаш ва назоратдан олдинги қийматларга нисбатан ортган. Липид спектрининг кўрсаткичлари бўйича умумий холестерин, ЗПЛП, ЗЮЛП, ТГ қийматлари барча гуруҳларда нормаллашди; 3 ойдан кейин барча гуруҳларда кўрсаткичлар ишончли эмас ($p > 0,05$) ва 6 ойлик даволанишдан кейин кўрсаткичлар ишончли бўлди ($p < 0,05$).

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи инсулин терапияси фониди 3 ва 6 ойлик Сакубитрил/Валсартан + фенофибрат терапиясидан сўнг марказий ва буйрак гемодинамикаси кўрсаткичларини динамикасини ўрганиш эди. 3 ва 6 ойлик даволанишдан кейин 1 ва 2-гуруҳларнинг марказий гемодинамик кўрсаткичларида қуйидаги параметрларнинг даволашдан олдинги қийматлари билан солиштирганда ишончли фарқ аниқланди: ЧҚ ОХЎ, ОСХ, ОДХ, ЧҚ

ОСЎ ($p < 0,05$), ЎАЎҚ, эрта диастолик тўлимида қон оқимининг секинлашуви вақти, ЧҚОДҚ ($p < 0,001$), ҚХФ, Э/А тўлқинларининг энг юқори тезлиги нисбати, ЧҚ, ЧҚММ, ЧҚММИ изоводемик бўшашиш вақти ($p < 0,05$), 3-гуруҳдаги барча ЭхоКГ кўрсаткичлари нормал чегараларда эди, аммо меъёрлашувдан олдин ЎАЎҚ қийматларидаги ижобий ўзгаришлар бундан мустасно ($p < 0,05$) ўзгаришсиз қолди. Шунини таъкидлаш керакки, 1-гуруҳдаги беморлардаги ўзгаришлар 2 ва 3-гуруҳларга нисбатан энг кам аниқланган.

Асосий гуруҳнинг кўрсаткичлари 3 ва 6 ойдан кейин даволаш динамикасидаги дастлабки қийматлардан сезиларли даражада фарқ қилди. Ўнг буйрак артериясида энг юқори систолик ва охириги диастолик қон оқими тезлигининг сезиларли ўсиши ва буйрак дарвоза ва интраренал артерияларда РИ нинг пасайиши аниқланди.

Натижаларимиз шунини кўрсатадики, ангиотензин рецепторлари-неприлизин ингибитори Сакубитрил/Валсартан + фенофибратни даволаш схемаси касалликнинг дастлабки босқичларида ЮЕ ва СБк билан оғриган беморлар учун оптимал дори терапияси сифатида қаралиши мумкин.

Тадақиқот мақсадларига кўра, биз гуруҳлар бўйича эндотелиал NO синтаза - eNOS даражасини таҳлил қилдик. Эндотелиал NO синтаза - eNOS ўртача қийматлари 1-гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада камайди ($p < 0,0001$), 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда эса унинг даражаси ўртача нормал чегараларда эди ($P > 0,05$). Батафсилроқ таҳлил шунини кўрсатдики, 1-гуруҳдаги 13 нафар беморнинг қон зардобидаги eNOS даражаси ҳаммада сезиларли даражада паст (100%, $p < 0,0001$), 0,28 дан 65,3 пг / мл гача. 2-гуруҳда жуда паст eNOS қийматлари 5 нафар (38,4%) беморда ($p < 0,0001$) кузатилди ва яна 5 нафар (38,4%) беморда сезиларли даражада паст ($p < 0,05$), 0,22 дан 120 пг/млгача бўлган. 3-гуруҳда фақат 1нафар беморда eNOS қиймати 59,2 пг/мл оралиғида бўлган, қолганларида эса бу натижалар нормал чегараларда эди.

Шундай қилиб, биз альбуминурия босқичигача 2-тур ҚД ва КРС билан оғриган беморларда аллақачон эндотелиал дисфункция жараёнлари мавжудлигини аниқладик, бу эса ўз навбатида асоратлар каскадини келтириб чиқаради.

Муаллифларнинг ишлари шуни кўрсатдики, эндотелиал NO ва шунга мос равишда эндотелиал NO синтаза - eNOS этишмовчилиги шароитида вазоконстрикция, ишемия ва артериал гипертензия учун шароитлар яратилади, чунки эндотелиал NO тромбоцитлар агрегациясини олдини олади. Бундан ташқари, бундай шароитда томир девори қалинлашади ва атеросклеротик жараёнлар тезлашади [128, 159].

Биз 2-тур қандли диабет ва КРС билан оғриган беморларда эндотелиал NO синтаза - eNOS ва баъзи биокимёвий қон параметрлари ва марказий / буйрак гемодинамикаси параметрлари ўртасидаги корреляцияни ҳисоблаб чиқдик. -eNOS ва бир қатор лаборатория ҳамда инструментал кўрсаткичлар ўртасидаги муҳим корреляциялар аниқланган. Беморларнинг 1 ва 2-гуруҳларида eNOS ва очлик гликемияси, гликирланган гемоглобин, ЧҚҚҲФ даражаси ва доплерография кўрсаткичлари ўртасида корреляция аниқланди, бу эса асоратларнинг дастлабки босқичларида КРС ривожланишида ушбу кўрсаткичнинг юқори прогностик қийматини тасдиқлайди. 3-гуруҳда eNOS ва наҳорги гликемия ҳамда гликирланган гемоглобин даражаси ўртасида корреляция мавжуд эди.

Шундай қилиб, ушбу таҳлилни амалга ошириш орқали биз биринчи бўлиб 2-тур қандли диабет ва КРС билан оғриган беморларда eNOS ва бир қатор лаборатория ва инструментал параметрлар ўртасидаги юқорида айтиб ўтилган корреляцияни ўрнатдик. Ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик ишончли эди. Буларнинг барчаси касалликнинг дастлабки босқичларида 2-тур қандли диабет касаллигида КРС натижаларини башорат қилиш учун eNOS дан прогностик маркер сифатида фойдаланиш имкониятини таъкидлайди.

Шу мақсадда биз 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишини башорат қилиш алгоритмида ушбу қийматлардан фойдаланиш мақсадида қондаги eNOS даражасини таклиф қилдик. Қон зардобидаги eNOS нормаси: 186,7-1440,9 пг/мл. Ушбу қийматларга асосланиб, биз уларни 3 та хавф даражасига ажратдик: 1. Енгил хавф - қон зардобида eNOS миқдори билан: 186,7 дан 1440,9 пг/мл гача, 2. Ўртача хавф - қон

зардобида eNOS миқдори 20 дан 186,7 гача. пг/мл, 3. Юқори хавф - кон зардобида eNOS миқдори 10 пг/мл дан кам.

Ва ниҳоят, бизнинг ишимизнинг якуний босқичида 2-тур қандли диабет касаллигида кардио-ренал синдромини ривожланишида хавф омилларини интеграл баҳолаш ҳамда ташхислаш алгоритминини таҳлил қилиш эди.

Юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларнинг қонида индоксил сульфатнинг прогностик қийматини ўрганган япон муаллифларининг 2019 йилдаги ишларида Кокс пропорционал хавф таҳлили кўйидагиларни кўрсатди: альбуминнинг юқори/паст даражалари (хавф нисбати (ХН): 5,33; 95% ишонч интервали (ИИ): 1,71-16,5; $P < 0,01$), диастолик босим (ХН: 0,94; 95% ИИ: 0,91-0,01). 0,98; $P < 0,01$), ўтказилган инсулт (НХ: 4,54; 95% ИИ: 1,33-15,4; $P = 0,01$) ва ЧҚҚХФ (ХН: 0,92; 95% ИИ: 0,88-0,96; $P < 0,001$) ҳамда ўлимнинг ошиши билан боғлиқ эди [158; 129-135-б.].

Муаллифларнинг тадқиқотларида СБК ва ЮЕ ривожланиши учун хавф сифатида анемия, нефронофтиз-4 нинг генетик ўзгаришлари, КФТ ва pro-BNP каби хавф омилларини муҳокама қилинган, аммо биз 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишида eNOS нинг прогностик қийматига бағишланган бирон бир иш топмадик [161; 929-944-б.].

Юқорида айтилганлар ушбу тадқиқотни ўтказишни учун сабаб бўлди.


Кўп қиррали таҳлил натижалари 65 ёшдан юқори бўлганлар, 2-тур ҚД давомийлиги, гиперхолестеринемия, САБ, ДАБ, eNOS, альдостерон, КФТ, НbA1C мустақил хавф омиллари эканлигини кўрсатди. Эҳтимолий омиллар комплекси бўйича, жадваллар ва ҳисоблаб чиқилган маълумотларга асосланиб, биз хавф қийматларининг мумкин бўлган чегараларини аниқладик. Бундай ҳолда, хавф чегараси 17,49 - 44,5 оралигида.

Ўтказилган ҳисоб-китобларга асосланиб, ҳар бир хавф омили учун минимал ва максимал балларнинг умумий йиғиндиси аниқланди ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишининг хавф диапазони ишлаб чиқилди:

1. Энг кичик - (КРС учун: 19,49 гача). Ушбу махсус балл олинган беморлар кулай прогнозли гуруҳга киради ва уларда КРС ривожланиш хавфи паст.

2. Ўртача - (КРС учун: 20,0-44,59). Ушбу кичик диапазонга тушган беморлар КРСни бошдан кечириш эҳтимоли кўпроқ ва шифокорлар диққат марказида бўлиши керак.

3. Юқори - (КРС учун: 45,0 ва ундан ортик). Ушбу кичик диапазонда хавф омилларининг таъсири максимал бўлиб, ундаги беморларда КРС ривожланиши учун ноқулай прогноз мавжуд.



1-расм. КРС ривожланишининг хавф омилларини интеграл баҳолаш.

Ўтказилган таҳлиллар асосида биз КРС ривожланишини баҳолаш шкаласини ва 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда КРС ривожланишини/даволашни баҳолаш алгоритминини ишлаб чиқдик, шунингдек, КРС ривожланиши учун хавф омилларини интеграл баҳолашни амалга оширдик (1-расм).

ХУЛОСАЛАР

1. КД 2тур беморларда КХБШ шкаласини куллаш СЮЕ огирлик даражасини акс эттиради, бунда энг юқори балл 1-гуруҳдаги беморларда $8,3 \pm 0,6$ балл (III ФК -ЮЕ) ни, 2-гуруҳда - $4,5 \pm 0,1$ балл (II ФК -ЮЕ) ни ва 3-гуруҳда - $1,3 \pm 0,2$ баллни ташкил қилган.

2. Назорат гуруҳига нисбатан КД 2 тур беморларда СЮЕ дислипидемия ЗЮЛП ортиши 1,5 марта, наҳорги гликемия 1,5 марта, овқатдан кейинги гликемия 1,5, гликирланган гемоглобин 1,2 ($p < 0,005$) ортиши билан, СБЕ эса қонда креатинин 1,2, мочевина 1,2 ва сийдик кислотасининг 1,2 марта ортишини ($p < 0,005$) б КФТнинг 2,5 марта пасайишини ($p < 0,005$) билан намоён бўлди,

3. Эндотелиал NO синтаза- eNOS 2 тур КД беморларда СЮЕ огирлик даражасини акс эттириб, унинг ўртача қийматлари 150% га камайгани кузатилди ($p < 0,0001$), СЮЕ булмаган ва СБЕ булган беморларда эса назорат гуруҳидаги КД2 беморлар курсаткичидан фарқланмади ($p > 0,05$).

4. Упка артериясидаги уртача босим биринчи ва иккинчи гуруҳларда бир бирига яқин, учинчи гуруҳда эса минимал эди. Буйрак артериясида қон оқимининг тезлиги иккинчи гуруҳда максимал бўлди.

5. КД 2-тур ва КРС ривожланиши эрта, яъни албуминурия босқичида эндотелиал дисфункция жараёнлари мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида асоратлар келтириб чиқаради. КСР нинг эрта белгиси сифатида қондаги -eNOS ни қўллаш имкониятини кўрсатди. Бунда қон зардобидида алдостерон миқдори қупайган сари, -eNOS пасайиши аниқланди ($p < 0,05$).

6. СЮЕ булган 2 тур КД беморларда eNOS билан наҳорги гликемия даражаси ($r = 0,68$, $p < 0,05$), гликирланган гемоглобин ($r = 0,63$, $p < 0,05$), ЧҚкХФ даражаси ($r = -0,67$, $p < 0,001$) ҳамда буйрак томирларининг доплерография кўрсаткичлари ($r = 0,68$, $p < 0,05$) ўртасида корреляцион боғланиш аниқланиб, КРС ривожланишининг эрта босқичларида eNOS кўрсаткичининг юқори прогностик қийматини тасдиқлайди. 2 чи ва 3чи -гуруҳда eNOS билан наҳорги

гликемия ҳамда гликирланган гемоглобин даражаси ўртасида ишончли корреляция боғланиш аниқлансада ($r=0,45$, $p<0,05$; $r=0,49$, $p<0,05$).

7. СЮЕ булган КД 2тур беморларда ЧҚ систолик дисфункцияси турига кўра Эхо-ЭКГ да ЧҚ систолик дисфункцияси юрак мушакларининг қисқариш қобилятининг пасайиши ва аортага чиқадиган қон ҳажмининг камайиши билан тавсифланади. СЮЕ билан оғриган одамларнинг 45% бу турдаги дисфункцияга эга. юрак ультратовуш текшируви натижаларига кўра, ЧҚ қон ҳайдаш фракциясининг 45% дан кам бўлган пасайиши, ўпка артериясида ўртача босимни ортишига мойиллиги билан кечувчи ўзгаришлар қайд этилди.

8. 1 ва 2 гуруҳлардаги беморларда ангиотензин II ва неприлизин рецепторлари антагонистлари билан фенофибрат билан биргаликда 3 ва 6 ойлик даволашдан сўнг шикоятлар интенсивлиги пасайган ишончли яхшиланган. Шу билан бирга, буйрак шикастланишининг преклиник босқичида инсулин терапиясига қўшилганда марказий буйрак гемодинамикаси ҳолатига кардио-нефропротектив таъсири исботланган.

9. КД 2тур беморларда қонда альдостерон ва ренинни даражаси градация референс микдорлари аниқланиб Эхо ЭКГ курсаткичлари билан солиштирилди ва беморларда Сақланган ЧҚкХФ да >65 дан <75 пг/мл (ёки 46-50 мкМЕ/мл) гача енгил ўсиш даражаси, оралик ЧҚкХФ учун >76 дан <120 пг/мл (>51 ва <55 мкМЕ /мл) гача бўлганда- ўртача ўсиш даражаси ҳамда >120 пг/млдан ортиқ (>55 мк/МЕ /мл) дан ортиқ - паст ЧҚкХФ билан кузатилган альдостероннинг юқори ўсиш даражаси деб курсатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арутюнов, Т.П. Патологические процессы в почках у больных ХСН // Сердечная недостаточность. - 2008. - Т. 9, № 5. - С. 234-250.
2. Климонтов, В. В. , Мякина Н.Е. Вариабельность гликемии при сахарном диабете //Новосибирск: ИПЦ НГУ, 2016. - С. 197-198.
- 3.Мартусевич А.К., Карузин К.А. Оксидативный стресс и его роль в формировании дезадаптации и патологии. // Биорадикалы и антиоксиданты. – 2015. – Т. 2. – №2. – С. 5–18.
4. Мухин, Н.А. ,Г.П. Арутюнов, В.В. Альбинурия - маркер поражения почек и риска сердечно-сосудистых осложнений // Клиническая нефрология. - 2009. - № 1. - С. 5-10.
5. Национальные рекомендации ОССН, РКО и РНМОТ по диагностике и лечению ХСН (четвертый пересмотр) // Сердечная недостаточность. — 2013. — Т. 14,№ 7 (81). — 94 с.
6. Подзолков, В.И. , В.А. Булатов Состояние сердце и почек в процессе эволюции артериальной гипертензии // Фарматека. - 2008. -№ 12.-С. 8-13.
7. Серов, В.А. Эпидемиология хронической болезни почек у больных с хронической сердечной недостаточностью // Нефрология. - 2010. - Т. 14, № 1. - С. 50-55.
8. Смирнов А.В., Шилов Е.М., Швецов М.В. [и др.] Национальные рекомендации. Хроническая болезнь почек: основные принципы скрининга, диагностики, профилактики и подходы к лечению // Клиническая нефрология. - 2012. -№4.-С. 4-26.
9. Терещенко С.Н., Жиров И.В. Место ингибиторов ангиотензинпревращающего фермента в лечении кардиоренального синдрома // Справочник поликлинического врача. - 2008. - № 2. - С. 43-47.
